



ФАРИД УСМОН

Хусн девони

Шеърлар, ғазаллар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2006



У 73

Усмон, Фарид.

Хусн девони: Шеърлар/Фарид Усмон. — Т.: Шарқ, 2006. — 192 б.

Таниқли шоир Фарид Усмониинг “Умид гулзорн”, “Кадр кечаси”, “Навосиз наво”, “Жон куши” каби қатор китоблари Сиз мухтарам шеърнат шайдоларига яхши таниш.

“Хусн девони” муаллифнинг галдаги шеърнй тўпламидир. Ўйлай-мизки, бу янги шеърлар Сизда яхши таассуротлар колдиради.

ББК 84(5У)6

ISBN 978—9943—00—013—1

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2006



ТАНҲО АНДИЖОН

Ватан бағрида сен, эй юрт, дуру дурдонасан танҳо,
Чиройсан Ўзбекистонга — гўзал жононасан танҳо.

Майиндир кўлларинг ҳам кўзларинг теран, юзинг
равшан,
Мулойимсанки мен фарзандингга чин онасан танҳо.

Баландпарвоз қуруқ ташбех керакмас таърифинг учун,
Ватан бағридаги юртлар мисол уй — хонасан танҳо.


Қучоғингда туғилганлар суярлар онамиз деб чин,
Хама бу андижонликлар учун кошонасан танҳо.

Уйин оstonасин доим муқаддас деб билар эл, рост,
Ватан кошонасида бахти бор оstonасан танҳо.

Сабабки, пешқадамсан Ўзбекистон ичра ҳар ишда,
Ҳақиқий марди майдон, пахлавон мардонасан танҳо.

Заҳириддин Мухаммад Бобуринг, Чўлпонларинг
фаҳринг,
Мунаввар шаъмдирким улар, парвонасан танҳо.

Хама вақт Андижон деб сўзласам кўнглим кетар яшнаб,
Сулув водий қучоғида гўзал гулхонасан танҳо.






Навобий нутқига рост бўлганингдан бошим осмонда,
Чаманнинг хушовоз булбулига ошиёнасан танҳо.
Куёш сандан чиқар гўё, чиқар ой — кечалар нурли,
Фалак юлдузлари сочкин ажиб нурхонасан танҳо.

Демак маддохлик этмак фурсатимас энди, эй юртим,
Бу бағрим оташистони аро сен ёнасан танҳо.

Чиройли йўлларинг нурли, илоҳо шундайин бўлсин,
Ахир, сен онасан танҳо, ахир, сен онасан танҳо.
Уриб бош бир умр айлай тавоф, юртим, сени, чунки
Ватан кошонасида бахтиёр кошонасан танҳо.

Зафар қучсанг яна, эй пахтакорим, хирмонинг тоғ-тоғ,
Ярашгансан шунинг-чун ушбу кенг майдона сан танҳо.

Фурурим, ифтихорим, Андижоним, жонажонимсан,
Фаридга офтоб, ой ҳамда еру осмонисан танҳо!





БИРИНЧИ САБОҚ

Йиллар оқ қаптарнинг оқ қанотлари,
Учарлар энг юксак кенгликлар аро.
Она мактабимиз қучоқлари у,
Ёшимизга ёшлар қўшди доимо.
Кечагидек эсда биринчи синф,
Биринчи сабоқлар — чароғон хона —
Боғбон меҳнатининг самарасидан,
Фунча очилишидан бериб нишона.
Улғайиб, ҳаётга илк қадам қўйган —
Онимиз шу сўзни сўзлаб қолди у:
– Ўғил-қизларингни етаклаб келгин,
Шудир юрагимда улғайган орзу.
Шундайин айладик — бизларни кутди,
Биринчи синфу, биринчи сабоқ...
Сочга оқ оралаб қолган бўлсада
Мактаб онамизнинг сути каби оқ...
Йиллар оқ қаптарнинг оқ қанотлари,
Учарлар энг юксак кенгликлар аро.
Инсоннинг муқаддас тушунчасидан
Она унутилмас — мактаб ҳам асло.



* * *


Қурбим етармикан, о,
Етармикан қудратим? —
Бу ҳаётда яхшига
Кўпдир менинг хурматим.

Қурбим етармикин, о,
Етармикан қудратим?! —
Бу ҳаётда ёмонга
Йўқ эмас, бор нафратим.

Қурбим етса, мабодо,
Етиб ортса нафратим,
Шундагина, эй дўстлар,
Чин инсонсан деб айтинг...

* * *

Юзларга қаранг,
Сиз!
Юз ёниб турар.
Кўзларга қаранг,
Сиз!
Кўз ёниб турар.
Лекин бу ёнувчи, ёнгувчи кўзлар
Айтган сўзларидан гоҳ тониб турар.
Шунда ял-ял ёнган юзларга бокиб,
— Тонма! — дегим келар, юзларга бокиб.
Айтган сўзларингдан гар тонар бўлсанг,
— Ёнма, — дегим келар кўзларга бокиб...





ЖОНИМ

Қошинг хилоли — жоним,
Қаддинг камоли — жоним.


Жоно хаёт сувим сен
Лабинг зилоли — жоним.

Висолга ваъда берган
Лафзингни боли жоним.

Жон мулкида фароғат
Зулфинг шамоли — жоним.

Ишқни увол тутма,
Тутгай уволи жоним.


Фарид камоли сенсан —
Умринг камоли — жоним.





КУРСИЛАР «ЖАНГИ»

Курсиларнинг орасида
Пайдо бўлди ихтилоф.
Сабаб бўлиб бу жанжалга,
Амал деган бир «ғилоф».
Алмисоқдан қолган эски,
Ул «жандани» талашди.
Бечоралар олишишди,
Пинҳон-пинҳон «савашди».
Лекин бир хол жуда қизик! —
Амалдорлар «учди» кўп.
Биров ерга қуладую,
Биров шуҳрат кучди хўп.
Биров эса курси узра,
Ўтирганча берди «жон».
Биров бўлса куфр кетди,
Бўлиб қолди беимон.
Эътиқодли, эътиқодсиз,
Ўлганлар бор бир талай.
Биров дейди: — Ҳа, амалим
Йўқлигидан ўргилай.
Бу олишув оқибати,
Зулм авжи эл аро.
Юқоридан қуйигача,
Етиб ортар можаро.
Янгиланди ҳар бир ходим
Янгиланди лавозим.
Деди: Буйруқ шундай эрур.
Янгича ишлаш лозим.





Бўшатилди ҳар биттаси
Алмашдилар ёшларга.
Навбат энди келиб қолди
Қоровул, фаррошларга.
Номзод йўқмас, бору аммо
Маълумоти бир оз кам.
Аслида-чи изланяпти,
Бошлиққа яқин одам...
Курсиларнинг жанги шудир,
Оқибати шул бўлар.
Раҳбарлари ўзгарару
Ходимлар ҳам ўзгарар.

* * *

Баҳор қайтиб келса, қайтса найсонлар,
Уйғонар уйқуга чўмган денгиз ҳам.
Сув юзига қалкиб — дилда армонлар,
Чиғаноклар оғзин очар хотиржам.
Найсонлар чиғанок умиди эрур,
Эрур тилаб-тилаб олгани ҳаёт...
Чиғаноклар атрофга боқишиб мамнун,
Оғзин юмиб, очишиб қўйишар бот-бот.
Сўнг яна қайтишиб денгиз тубига
Аста ёнбошлашиб бошлашар уйқу.
Уйқуга чўмарлар улар наздида,
Баҳор борлиқ аро масрур бир туйғу.
Шаффоф нурлар аро, шаффоф сув аро,
Тириклик туш кўрар узундан узок.
Масрур туйғуларга дилдош баҳорда,
Фарзанд — марвариддир, она — чиғанок.

Баҳор қайтиб келса — қайтса найсонлар,
Уйғонар уйқуга чўмган денгиз ҳам...





ТУЙНУК

Туйнук сўради қўшнидан қўшни,
Тилаб олмоқ бўлди ёруғлик.

Уйнинг ортидан хадиксираброк,
Очди бир туйнук.

– Йўқ! – деди қўшни.
– Йўқ! Мумкин эмас,
Ёруғликни изла ўз тарафингдан.

Шошиб-пишиб қайтиб урди деворни
Бу ҳолни кутмаган қўшни дафъатан.

Нур сўраганига этди қўп пушмон,
Деди: – Аллоҳ, килма қабримни бенур!

Туйнук бўлиб қолди хонадонига, –
Унинг қалбидаги мана шу шуур.



ҲАРҲОЛДА

Исо тафаккури хавфли эди,
Шул сабаб қўймади эл уни омон.
Тафтишдан не фойда. Моҳият шудир —
Қассобга ёғ қайғу, эчки учун жон...

Тарихда бу каби сабоқлар бисёр,
Исо фожиаси йўқмаску ҳамон.
Барин агар сал фикрлаб кўрсак,
Қассобга ёғ қайғу, эчки учун жон.

Фарид, доно бўлма, бўлмагин нодон,
Мана шу оралик энг яхши имкон...
Ҳарҳолда хушёр торт, нутиб қўйма —
Қассобга ёғ қайғу, эчки учун жон...



КИМДАН КУТАЙ?!

Яхшилиғ кўрмабди Бобуршоҳ, ажаб,
Мен уни кимдан кутай, кимдан кутай?!

Яхшилиғ, бўлсанг жаҳонда сен агар,
Йўлларингда туну кун конлар ютай.

Бўлмасам ҳам шоҳ Мирзо Бобурий,
Бу гадо холимни бир зум унутай.


Яхшилиғ, мен сени этмадим тавоф,
Шафқат айла, лаҳза пешингдан тутай.

Сен буюк толе кушидурсан мудом,
Кел, бу дам бошимга қўнгин, бош тутай.

Яхшилиғ, бўлсанг жаҳонда сен агар,
Бобурий янглиғ сени орзу этай...

Бўлмасанг орзу Фариджонга агар,
Зинхор бу оламини тарк айлай — кетай...

Яхшилиғ кўрмабди Бобуршоҳ, ажаб,
Мен уни кимдан кутай, кимдан кутай?!





* * *

Эй одам, бўлсин буюк неъмат дилиннга муддао,
Бу буюк неъмат тириклик ичра ҳеч бўлмас адо,
Лаҳза тўхтаб ўз умр йўлингда бир фикр этсангу,
Хам ёруғ энг тоза идрокиннга бўлсанг ошно —
«Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдан эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек

шужо» —

Эй одам, бўлсин шу неъмат кўксинг ичра муддао.

Нафс ити кўйида қўплар вожаб қулдур хануз,
Ҳеч озаймайди бу қуллар, негадир мўлдир хануз.
Бир қизик ҳолат — бу қуллар турмуши гулдир

хануз,

Айтамин, нафс ити бирла кимки машғулдир хануз:
«Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдан эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек

шужо» —

Эй одам, бўлсин шу неъмат кўксинг ичра муддао.


Сув, ҳаво, офтоб, замин — бир катта дастурхон ҳаёт,
Айлагил сабру қаноат сабр ила неъматни тот,
Шунда парвозинг бўлар соз — шунда енгилдир

қанот,

Шул эрур Ҳазрат Навоий бизга ўргатган нажот —
«Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдан эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек

шужо» —

Эй одам, бўлсин шу неъмат кўксинг ичра муддао.





* * *

Тамаъ аҳлининг иши кошоно сифатдир,
Тамаъ аҳли умрига парвона сифатдир.
Кўнгли унинг ҳар нечук вайрона сифатдир,
Бебаҳо оламга у хайрона сифатдир:
«Аблаҳ улким оламдин бақо қилгай тамаъ,
Аҳмоқ улдирким олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ».

Эй кўнгил, ўткинчи умрингга кўнгил кўп боғлама,
Ўзни олам сахнида мангу яшашга чоғлама,
Беҳуда ишлар била дарду дилингни доғлама,
Англа, ўткинчи ҳаёт — ҳаддан зиёд ардоқлама:
«Аблаҳ улким оламдин бақо қилгай тамаъ,
Аҳмоқ улдирким олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ».

Ҳазрати Устоз Навоийнинг, қара, дарси шудир,
Келажакдин, яъни ўзбек наслидин қарзи шудир,
Тоза ҳикматга тўлиб-тошган азиз арзи шудир,
Яхши бир кўрсатмаси — йўл-йўриғи — тарзи
шудир:
«Аблаҳ улким оламдин бақо қилгай тамаъ,
Аҳмоқ улдирким олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ».



* * *

Телбаликлар! Телбаликлар! Сиз намунча борсиз,
Турфа ҳолатларда гоҳо турфа хил изҳорсиз.

Найлайн, асло саноғингизга ҳеч бўлмас етиб,
Шу қадар ғужғон урурсизлар, мудом бисёрсиз.

Сиз туфайли ер бағирлаб тез йиқилганлар талай,
Кимга кўксига ботган ўқ, ким учундир дорсиз.

Сизки бор, кўнгилга инган доғ сира бўлмас тоза
На бирор бир кирсовунсиз, на бирор ишқорсиз.

Кошки бир раҳмат тилашнинг бўлса ҳуш имконлари,
Телбаликлар! Сиз ёруғ олам аро мозорсиз.

Ҳеч таажжубланмас Фарид, авжида олди-соттиси,
Аҳли савдоси сероб, зўр эски бир бозорсиз...



* * *

Биров пулга сотиб олар шуҳратни ҳам,
Эл айлаган эҳтиромни — ҳурматни ҳам.

Бу қандайин юзсиз дунё, юзсизлар кўп,
Иззати йўқ талаб қилар иззатни ҳам.

Ҳар бир инсон ўз ҳолича «чевар» бу кун,
Пулга бичиб қўйганлар бор улфатни ҳам.

Амалдорга ялтоғланган, эй тулкилар,
Унутмангиз элда мавжуд нафратни ҳам.

Асли сизнинг кимлигингиз кўпга маълум,
Тубанликдан топмоқдасиз омадни ҳам.

Эгиласиз, букиласиз, дейсиз раҳмат,
Биров бор тик қабул қилар раҳматни ҳам.

О, сиз бирам тубан кимса, тубан кимса,
Ошкор этиб хулқдаги бор иллатни ҳам.

Танбеҳ бериш зоелиги ойдай аниқ,
Хайф билар Фарид сизга нафратни ҳам...



НЕЪМАТ

Маънавий истакларим, сиз қолмангиз уч пул бўлиб,
Қаршингизда тоза ҳислар турмасин ҳеч қул бўлиб.

Маънавий истакларим, боғлар кезинг, гулшан кезинг,
Миллатим васфини айлаб сайрангиз булбул бўлиб.

Термулиб боқсин сиза ҳайратланиб дунё эли,
Очилиб хушбўй атр сочинг чиройли гул бўлиб.

Маънавий истакларим, минг бор шукрлар айлағум,
Сизга хизматлар қилиб келмақдаман бир қул бўлиб.

Сиз Фариджонга Худойимнинг азиз бир неъматини,
Маънавий истакларим, рост, қолмангиз уч пул
бўлиб...



ОТА ДУОСИ

Онам ёпди тандир тўла иссиқ нон,
Нон ҳар бири хароратли бир қуёш...
Отам эса ҳаммамизга бўлиб бош,
Айвончага ёзди катта дастурхон.
Дастурхонга олиб келиб қўйдилар
Онам иссиқ қайроқ буғдой нонини.
Отам мақтаб она ернинг донини,
Биз фарзандин эркалади, суйдилар...
Улғайдик биз, шу мўътабар нон тафти —
Бизга меҳр ато қилди бир жаҳон.
Бизни сийлаб этди ҳақиқий инсон —
Отамизнинг заҳматкаш қадок кафти...



АНГЛАШ

Биз бола бўлганда бизга кексалар,
Негадир кўпинча ўйчан боқарди.
Бизнинг шўх болалик бундан беҳабар,
Дарё суви каби жўшиб оқарди.
Оқарди... гоҳида парвози баланд,
Қуш бўлиб юксакда қанот қоқарди.
Булутлар қўйнида, само қўйнида,
Чексиз кенгликларда чакин чақарди.
Баҳор гулларининг хушбўй атридан
Маст бўлиб қулокка райхон тақарди.
Севги оташида пинхон ва пинхон
Жонни ўртар эди, дилни ёқарди...
Биз, билмас эдик у мунис кексалар,
Негадир, бизларга ўйчан боқарди.
Балки, энди салча ақл етгандир...
Энди-чи, бизнинг ҳам сочлар оқарди.



УЛФАТЧИЛИК

Қўй ёғига қилинган палов,
Девзирага гўё жон битган.
Жўраларнинг даврасида май
Ичган каби ғамни унутган.
Ҳамма ўзин енгил хис этар,
Йигитларнинг кайфияти куш.
Мунтазиру ширин суҳбатдан,
Ёғлиқ палов товоқда сархуш.
Дўстгинам, бил оддий гуручмас,
Ўзбекнинг соф туйғулари бу.
Қишин-ёзин чойхонадаги,
Гурунги — шўх кулгулари бу.
— Ол паловдан, гуруч донасин
Исрофлама, олгин, адо қил.
Улфатчилик одатин лекин
Қорингамас, юракка жо қил.



ҲАЙРАТ

Улугбек қўшин тортиб Андижонга келди. У Мирак Аҳмад ўрнига Муҳаммад Тобонни Андижон ҳокими қилиб Самарқандга қайтди (С. Жалиловнинг «Андижон тарихига доир» китобидан).

Сипоҳ етиб келди,
Юлдузли оқшом.
Бунда осмон эди
Тўнкарилган жом.
Ул само аталмиш
Соф феруза ранг.
Бунда таратарди
Ўзгача «оҳанг».
Само куй чаларди
Куйки диловар.
Ерга юлдузлардан
Ёғиларди зар.
Кўп сеҳрли эди
Кўкнинг садоси.
Кўп меҳрли эди
Кўкнинг садоси.
Улуғ Мирзо меҳрин
Тортиб у бир дам.
Саркарданинг фикри
Бўлди унда жам.
Вужудини чулғаб
Эзгу бир туйғу.
Ўйлади: Жавохирлар
Сандиғи-ку бу...



Илм хазинаси,
Деди, тўлса гар,
Кўкдек юксаларди
Бу факир башар...
Бир нафас хаёлан
Бўлди самода,
Чин абадийликни
Кўрди самода
Ва айтди бу юртнинг
Бўстони умр.
Нафақат бўстони
Осмони умр...
Жанг, ўлжа дер экан
Ҳориган сипох.
Улуғбек юлдузларга
Солганча нигоҳ.
Вужудини чулғаб,
Ажиб бир туйғу.
Дерди: Жавохирлар
Сандиғи-ку бу...



РАҚҚОСА

Юзларимни майин насим сийпагандек бўлдию,
Бир дақиқа хузурланди беҳаловат юрагим.
Қақшаётган вужудимни қамраб олиб бир туйғу,
Рўпарада туриб қолдим сеҳрланган каби жим.
Кўзларимга ишонмадим,
Ишонмадим аввало.
Дедим: Бу чин малоийкми ё самовий фаришта.
Уни енгил ўйнаётган янграётган хуш наво,
Эди гўё жонгинамга боғланаётган ришта,
Боғланарди юрагимнинг томирига ҳар оҳанг,
Боғланарди шўх куй билан унинг дилбар рақси ҳам.
Капалакдек сузиб учиб ҳар ён қадам ташлаб шўх
Фариштанинг ёлғонлигин рост айларди ул санам.
Оққушқанот кўлларида қалбларга завқ улашиб,
Гўзалликнинг сирларини дилларга етказарди.
Завқланганимни кўрганда яна ҳам завқи ошиб,
Гўзал деган тушунчани у гўзал этказарди...
Юзларимни майин насим сийпагандек бўлдию,
Бир дақиқа хузурланди беҳаловат юрагим.
Қақшаётган вужудимни қамраб олди бир туйғу,
Қаршисида туриб қолдим сеҳрланган каби жим.



БИЛИБ ҚЎЙ

Дўст, бу она тилимни
Гулзорим, гулим деб бил.
Дўст, бу она тилимни
Хушхон булбулим деб бил.
Қулоқ тут хонишига,
Куйлаши ёнишига,
Она тилим ҳар сўзин
Сермаъно билим деб бил.
Шакарпалак ковундек,
Менинг тилим тотлидир,
«Ассалом» деган сўзни
Ундан бир тилим деб бил.
Тилим чин кескир қилич,
Синдиrolмас уни куч,
Сен бу она тилимни
Ёвларга ўлим деб бил.
Мен тилим билан тирик,
Сен бу она тилимни —
Бу кўксимни — дилимни —
Ҳаётим давомчиси
Қизим ва ўғлим деб бил.
Тилим дилимга тилмоч,
Тилим элимга тилмоч.
Сен бу она тилимни
Ўзбегим — элим деб бил.



БАҲОР

Олам баҳор эртагини сўзлайди,
Ям-яшил рангда.
Кечагимас, эртангини сўзлайди
Турли оҳангда.

Севинч билан энтикади она ер,
Сезилади нафаси.
Қушлар ердан топган ризқи рўзин ер
Бошқачадир хаваси...

Зарра номин айтиб дейди — мен зарра,
Табиатда чин улғайиш бор.
Ҳосил қилган бу хил сирли манзара
Гул баҳор — бу, сеvimли баҳор...

Олам баҳор эртагини сўзлайди
Ям-яшил рангда.
Кечагимас эртангини сўзлайди
Турли оҳангда.



ДЎСТЛАРИМ

Умримиз куз фаслида
Сарғайган барглар мисол
Шитир-шитирлаб аста
Тўкилиб бораётир.
Бу ўтган дақиқалар
Бизларни билсанг агар
Кексалик оғушига
Билдирмай чорлаётир.
Эрмак бўлиб қувончга,
Эрмак бўлиб ғамларга.
Бир бора ўйламаймиз
Бермаймиз эътибор хам.
Ўтган умр олдида
Ҳисоб йўқ вожабо –
На бизни қувонтирар
На бизга қилар алам.
Кел, қўйгин бир нафасга
Қувончни унутайлик,
Дунёнинг ғамларидан
Бўлайлик бир он йирок.
Ахир ўтган фурсатни
Бир жойга тўплаб туриб
Гугуртни «чақар» бўлсак
Ёкилур хазон эмас.
Ариқдаги сув каби
Оқиб кетган бўлса хам
У азиз ўтмиш қадар –
Келажакдек муқаддас.
Умримиз дарахтидан
Тўкилган япроқларни
Йиғиштириб санайлик,
Ҳисоб қилайлик, ўртоқ.



ҚУШ

Баҳор фаслига боғ
очгандек оғуш,
Кутиб кўнглим сени
боғдек фаромуш...

Кўрарман туш гўзал
сен ҳақда тунлар,
Баҳор тўғрисида боғ
кўргандайин туш.

Умидим боғини нур
бирла яшнат,
Баҳор офтоби янглиғ
бағрима туш.

Ҳажр қорини эрит,
қолмасин ҳеч
Бу гулшан бетароват,
яъни беҳуш.

Фариднинг қалби
ишқинг оламида
Баҳору боғини тарк
айламас куш.



ЛОЛАЛАР

Лолалар кулмиш адирда чим-чатр,
Лолалар ичра ҳаво хушбўй атр.

Лолазор кенгликларига жилмайиб,
Нур сочар офтоб деган иссиқ патир.

Қўз қамашса не ажаб, қирга қараб,
Шундан ой, офтоб чиқар, шундай ботур.

Ол уфқларнинг ёник ёлқинлари
Юр деяр, на толдирар, на чарчатур.

Лолалар гўё заминнинг қонидир,
Қон эмас йўк, йўк, бу чин шеърий сатр.

Бу сатрни ҳар баҳор кимлар ўқир,
Қалбида эзгу тилакни уйғотур...



СЕН БУГУН УЗГАН БУ ЯПРОҚ

(Жамол Камол ғазалига тазмин)

Сен бугун узган бу япроқ,
кеча бир тупроқ эди,
Сен бугун босган бу тупроқ
кеча гул япроқ эди...

Босма ҳеч қаттиқ қадам ер
сийнасига, эй санам,
Балки бу тупроқ сенингдек
зоти хушчакчак эди.

Балки бу япроқ сенингдек
бир ғўзалнинг қошидур,
Ким билур, ошиққа бу қош
сеҳр эди, алдоқ эди.

Ким билур, балки бу тупроқ
бир азиз мард хокидур,
Балки бу хок мард эмас бир
соткину қўрқоқ эди...

Найлайн, айланди бошим,
етмади ақлим менинг,
Сен узиб олган у япроқ
мен учун кийноқ эди.

Эй Фарид, япроқ туфайли
айладинг олам ўйин,
Чунки суҳбатдош сенга
энг тоза дил ўртоқ эди...





ЙЎҚ ЭКАН

Ўйлагум ёлғиз сени бу
дилни ғам эзганда ҳам,
Уйда ўлтирганда ҳам,
гоҳо чаман кезганда ҳам.

Кўзларим ойинасидан
суратинг ўчмас мудом,
Мен сени идрок этурман
гулга қўл чўзганда ҳам.

Сен паришон ўйларимнинг
энг тотувли онлари,
Куз келиб боғлар аро
олтин хазон тўзганда ҳам.

Бил, фироқинг мен учун қиш,
қақшатувчи бетиним,
Сезмадим кишни биров
қиш деб совуқ сезганда ҳам.

Андижон, Тошкент, Самарқанддан
Фарид, қандай топай,
Йўқ экан сендай гўзал
ул ўшда-ю ўзганда ҳам...



ТҰҒАНОҚЛАР

Хар ерда борсиз —
Катта-кичик мансабга ёрсиз,
Ўтма дейсиз —
Йўлни тўсасиз,
Баъзида икки чиғаноқлаб,
Тўғаноқлар!
Сизни деб гоҳ сарсон
Ҳам саргардон биз.
Сизлар назарингизда
Қўп, арзон биз.
Тўғаноқлар!..
Сиз нархимизни
Урмангиз паства.
Эҳтиёт бўлинг,
Билинг, қилични олсак дастга...
Тўғаноқлар!



ҲАР ВУЖУД

Ойнага боқилса юз кўринар, лек
Кўринмас ўзликнинг яхши-ёмони.
Яхшию ёмондан холи демасмиз –
Ҳар вужуд ҳаётнинг икки томони.

Унда икром мавжуд, унда инкор бор,
Ҳеч қачон бу ҳолдан у бўлмас холи.
Тўхтовсиз айланиб тура беради,
Чарх аталмиш еру осмон мисоли.

Гоҳо кундуз каби бўлур ёп-ёруғ,
Гоҳо кеча янглиғ бўлур зимистон.
Демак, ёнаётган ҳаёт шаъми у,
Демак, тирик вужуд, демак, тирик жон.



ХИЁНАТНИНГ ЮЗИ

Дўст хиёнат қилди,
Душманлардан сўз
Очишликнинг энди
Фурсати эмас...
Менинг тушунчамда
Дўст ҳамда душман
Дейилгувчи асос —
Мантиқлар абас.
Йўқ, ҳақиқий дўстлар —
Ким, энди билдик,
Ҳаёт ойнасида
Улардир аён.
Ўша ойнага
Тик қараб дейлик
Душман тинч юрсину —
Дўст бўлсин омон.



ЙЎЛБАРСЛАР

(Циркда)

Аёл кўлида қамчи қарсиллаб қолар бирдан,
Юракни энтиктирар қамчидай асов товуш.
Ҳамминг диққатида – майдон четида турган
Йўлбарслар ўз машқини давом эттирар хомуш.

Бири келиб оҳиста сурканади аёлга,
Бири эса эркалаб кўлларини ялайди.
Залда томошабинлар ҳаяжонли бу холга,
Ҳаяжонга тўлишиб хайрат билан қарайди.

Майдон бўйлаб чопишар, саф тортишиб, тизилиб,
Қўркишмасдан сакрашар йўлбарслар ўт халкадан.
Қамчи эса ҳар замон чакмоқдайин узилиб,
Даҳшатли мавжудотга даҳшат солар орқадан.

Бу ахир қандай тилсим, бу қандайин мўъжиза,
Қани бу йўлбарсларнинг йўлбарсга хос тугёни.
Улар кўкрак кўтариб кўкқисдан наъра урса,
Эрк билдирар хайқириқ тутарди-ку дунёни.

Йўлбарсларга тор майдон бўлгандан бери макон,
Нозиккина аёлнинг сеҳрига тушовланган.
Улар наъра уролмас, қонидаги галаён
Икки қулоч қамчининг силтовига жойланган.



КУЙЧИЛАР

Устоз Ҳамзага

Улар ёниб қуйладилар,
Қуйладилар — қуймадилар.
Уларнинг ўт қуйларини
Аллакимлар суймадилар.

Аллакимлар у қуйларнинг
Маъносини туймадилар.
Эркин, баланд овозларда
Қуйлашга йўл қўймадилар...

Бевақт шахид бўлди улар,
Гул ҳаётга тўймадилар.
Ўлди, аммо қуйчиларнинг
Қуйи қолди — ўлмадилар.

Улар ёниб қуйладилар,
Қуйладилар — қуймадилар.



ЎЗБЕК ЭНА

«Уруш, уруш» ўйнайди
Бир тўп бола кўчада.
Ўйинчоқ автоматнинг
Учи ёниб ўчади.
Ёғоч тўппончасидан
Фанижон ўқлар отар.
Рустамжон ўқ еб ерга,
Йиқилган бўлиб ётар.
Болалар «пақ-пақ» дейди,
Гўёки ўқ визиллар,
Ўқ емай деб баъзиси
Пана жойга ғизиллар.
«Уруш, уруш» ўйнаса,
Бир тўп бола кўчада.
Кўриб Ўзбек энанинг,
Ранги-кути ўчади.
Айни саратон чоғи,
Алиф қаддин дол қилиб,
Кўққисдан хайр дея,
Онасини лол қилиб,
Уруш деб узоқларга,
Юрагин доғлаб кетган,
Ҳасрат билан қалбини
Юлиб, тирноғлаб кетган,
Гўёки ўғли шу он
Ўқ еб йиқилган каби,



Кўксига тиф ботгандай,
Титраб кетади қалби.
Назарида шу лахза,
Тор қўча, жанг майдони.
Кизил қонга беланиб,
Ётар... Рустам ўғлони.
Ётар... она юрагин,
Ёрворгудек бир фарёд,
Бўғзига тикиларкан,
Кимдандир излаб нажот
Атрофига қарайди.
Кўзларига қалкиб ёш
Ўрнидан турар аста,
Сарак-сарак қилиб бош,
Ёнига қўйиб олган
Ҳассасин қўлга олар.
Титроқ холда инқиллаб
Болаларни қувалар.
Дейди: Ҳой тирранчалар,
Йўқми бошқа бир ўйин.
Бурчак-бурчакдан туриб
«Пак-пак» дейишни қўйгин.
Бир-бирингни қувалаш,
Майлига тўптош ўйна.
Тўп тепиш, югур, ахир
Тузукрок ўйин ўйла...
«Уруш-уруш» ўйнаркан
Бир тўп бола қўчада,
Яна Ўзбек энанинг,
Ранги-қути ўчади.
Болалар, бола рости,



Ўйнар, на фахм этади.
Бечора Ўзбек эна,
Титраб-қакшаб кетади.
Хассасини ўқталиб,
Ички бир алам билан,
Вужудини кўп йиллар
Ўртаётган ғам билан,
Хилвираб колган эса,
Дард билан толган эса,
Айрилиқнинг ўтида
Ўртаниб ёнган эса,
Серажин юзларига,
Кўзларидан оқиб ёш,
Юз ўлиб, юз тирилиб,
Минг карра бўлиб одош,
Дер: Тур, нари кет, йўқол!
Ажаб, неча вақтки
Такрорланар шу ахвол.
«Уруш-уруш» ўйнаса
Бир тўп бола кўчада,
Кўриб Ўзбек энанинг
Ранги-кути ўчади.
Шарт тураркан ўрнидан,
Хассасин қўлга олар.
Титраб-қакшаб, инқиллаб
Болаларни қувалар.
Болалар ҳам қочишар,
Тумтарақай хар томон.
Ўзларича ранжишиб,
Ўзбек энадан шу он.
Эна мағрур кўчада,

Ўзи танҳо қолади.
Юзларида изтироб,
Хаёлларга толади.
Айтмоқ қийин кексанинг
Бошин чулғар не хаёл.
Мана неча йилдирки
Такрорланар шу ахвол.
«Уруш-уруш» ўйнаса
Бир тўп бола қўчада,
Хамон Ўзбек эنانинг
Ранги-кути ўчади.
Титраб-кақшаб, инкиллаб,
Ҳассасин қўлга олар.
«Уруш-уруш» ўйнаган
Болаларни қувалар...





КАТТА ТУТ

Валаклайди икки кампир,
Тол остида — сўрида.
Бири мезбон қуйирокда,
Бири мехмон тўрида.
Бир-бирига навбат бермай
Сўзлар улар — лақиллар.
Сарвар буви сўз майдалар,
Тўти буви маъқуллар.
Улар шунда.
Ташқаридан
Чопиб кирар бир бола.
Ховликқанча энтикиб дер:
— Энажон, эй! Ҳой, хола!
Тезроқ туринг! Катта тутни
Келиб босди чуғурчук.
Тутимизни буткул килди
Оёкости чуғурчук.
Ёш юракда ўзга ташвиш,
Юзларида изтироб,
Унинг сари кампирлардан
На савол бор, на жавоб.
Бир-бирига навбат бермас,
Ўз сўзини маъқуллар.
Гапга чунон берилишган,
Парво қилмас кампирлар.
Унинг сари аламланиб,



Хунобланиб дер бола:
– Кулоқ тутинг, сўзларимга,
Жон, энажон! Жон, хола!
Тезроқ туринг, катта тутни
Келиб «босди» чуғурчук.
Тутимизни буткул қилди
Оёқости чуғурчук.
Парво қилмас болакайга
Валақлайди кампирлар.
Сарвар буви сўз майдалар,
Тўти буви маъқуллар.
Чуғурчуклар чуғурлашиб,
Мазах қилар болани.
Бола огоҳ қилолмайди
Гапдон эна, холани.
Аламлари юрагидан,
Тошиб хайрон боқади.
Тўкилётган тут кўзидан
Ёшлар бўлиб оқади...
Қайғуларга чидолмасдан,
Юмади у кўзини...
Кўз ёшлари котган лаби,
Пичирлайди шу сўзни:
– Эна! Хола! Катта тутни
Келиб босди чуғурчук.
Тутимизни буткул қилди
Оёқости чуғурчук...



ИЗТИРОБ

*Чанг бўлмаганда
инсон минг йил яшар эди.
Абу Али ибн Сино.*

Бу дунёнинг гард-ғубори ғам,
Ўз ипи-ла ўраб дам-бадам
Инсон зотин ўргимчак мисол,
Ҳаётига келтирар завол.
Қуритар у умр дарахтин,
Юлқиб олар яшашлик бахтин.
Улоқтирар йўқлик комига,
Тўйдирмасдан ҳаёт жомига...
Бу дунёда ғам бўлмаганда,
Изтиробли дам бўлмаганда.
Жаҳон ичра хар битта инсон,
Минг йил яшар эди бегумон...
Бу дунёнинг гард-ғубори ғам.



ТЕГИРМОН ҲАҚИДА

Бор эди бир тегирмон,
Жуда машхури жахон.
Сув билан ошно бўлиб,
Ишларди кеча-кундуз.
Ун этарди донларни,
Бўлса ҳамки неча юз.
Чарчадим демас эди,
Айланиб огир тоши.
Қариб қолган бўлса ҳам,
Кўп зўр эди бардоши.
Чоллар орқалаб келса,
Болалар ҳам бўш келмай
Ярим коп дон елкада,
Чумолидай тизилса
Жувонлар бошида дон,
Келишса барин шодон,
«Хуш келибсиз!» деб кутиб,
Жўхорими буғдойми,
Дон айларди улгуриб.
Ҳоридим демас эди,
Қаридим демас эди,
Ишларди, тинмас эди.
Шунинг-чун кишлок ахли,
Уни Тегирмон дея,
Ўзлари учун яқин
Дўсту кадрдон дея
Аташар эди ҳақли.
Фахр билан баъзида,



Дердилар: Ризк-рўзимиз.
Улғайган чоқ ўғил-қиз,
Доим тортишар эди,
Аравада қоп-қоп дон.
Зум ўтмай тўйхонада,
Хушбўй хид таратарди
Ширмой нону, обинон,
Даста-даста патирдан
Безаларди дастурхон.
Ё бирор ўлим бўлса,
Қайғуга ботганича
Холису ҳалол хизмат
Қилар эди Тегирмон,
Ҳамнафас, ҳамдард эди
Ҳам сахий, чин мард эди,
Умрин анҳор бўйида
Ўтказарди — гард эди.
Ой ўтиб, йиллар ўтиб
Оқиб неча бор анҳор,
Қанча куз, қишлар кетиб,
Нихоят келиб баҳор.
Пайдо бўлиб юрт аро
Каттакон ўт тегирмон
Тонна-тонна буғдойлар
Қилина бошлангач дон.
Унутилиб қўйилди
Қишлоқдаги Тегирмон,
Мунғайиб колди танхо.
Бечорани кишилар
Эслашмай қўйиб асло,
Ҳамроҳи бўлди ёлғиз
Каламуш билан сичқон.





Балки бу сўзларимни
Эхтимол дерсиз ёлгон.
Турмушимиз кундан-кун
Хуш бўлиб бориб бу кун
Янги дўконимизга
Қонда ун тушса ҳар он,
Майин табассум ила
Ана, боқаркан шодон,
Замонага шукрона,
Айтар ўша Тегирмон...
Қишлоқнинг бир четида,
Анҳорнинг у бетида.
Каламуш, сичқон билан,
Яшаб келмоқда омон.
Бир пайтлар эл-юртга
Бўлган жуда кадрдон
Ўша кўҳна Тегирмон.



БИЗЛАР

Ўйлаб-ўйлаб охирида топиб олдим,
Тупроқ экан аслида бу суратимиз.
Бу не сеҳр, бу не сирдир, йўқдир, қаранг,
Бир-бирова гоҳо зарра хурматимиз.
Ҳа, тупроқнинг усти узра хормиз баъзан
Ҳа, тупроқнинг устидамиз зору хароб.
На қадрни қадр айлaimиз, на-да ўзни,
Кўнглимизни, кўзимизни чулғаб сароб.
Алданамиз хойю хавас ўйлар билан,
Тупроқ экан аслида бу суратимиз.
Ҳеч бўлмаса шу бир чимдим тупроқчалик,
Бўлсин дўстлар бу дунёда хурматимиз.

КЎНГЛИМ

Вужудимни чулғаб олган зўр бардош,
Қайғу келса кўзларимдан окмас ёш.
Қувонч келса кўнглим бўлар бир анхор,
Юзларимни ювар ёшлар шашқатор.
Қувончларга кўнглим бебардош менинг,
Қайғуларга қалбим мисли тош менинг...



КУЙГАН ҲАҚИҚАТ

Муҳаммад Исҳоқнинг қўллари куйди –
Куйди аламлардан ўртаниб жони.
У сўнгги марота кафтини суйди –
Суйди оловланиб жону жаҳони.
Қўлларида унинг аччиқ ҳақиқат,
Боши узра эди – баландда эди.
Қандайдир кўринмас бир қудрат фақат
– Қани юр, – дер эди, – олға юр, – дерди.
Аммо хиёнатни сезмасди Исҳоқ.
Юрди ҳақиқатни юксак кўтариб.
Кимлардир бир ёғу, у эди бир ёк
Аламлардан азиз жони ўртаниб.
Оқибат билакка солинди кишан...
Муҳаммад Исҳоқнинг қўллари куйди –
У ўртанаётган жонини эмас,
Ҳақиқат кўтарган қўлини суйди.



* * *

Кўнглим гўшасида муққаддас дарча —
Туйғудаги азал диққат-эътибор.
Ундан мана мен деб термулиб турган,
Ундан боқиб турган ёлғиз ўзинг ёр!
Кўпларда бу дарча кимсасиз — ёлғиз
Ажабки, ланг очиқ хувиллаб ётар.
Унда на тўлин ой чиқар жилмайиб,
Унда на нур сочиб офтоб ботар.
Ҳеч қандай изи йўқ оддий қадамнинг,
Ҳеч қандай зотнинг кўланкаси ҳам,
Унда шунчаки қуп-қуруқ мотам.
Шукронам беқиёс, шукронам бисёр,
Кўнглим гўшасида муққаддас дарча.
Ҳарир парда тутган, чехраси нурли
Уни ёлғиз ўзи... ҳа, ўзи очар...



ИККОВЛОН

Излай-излай охир бир-бирин топган,
Оқил сен эдингу, жунун мен эдим.
Висол окшомида эврилиб ётган
Бўрон сен эдингу, куюн мен эдим.
Паришон сочларинг паришон эди,
Туннинг оғушида эдим паришон —
Буюк бу мухаббат улғайтар эди,
Гўё мен ер эдим, гўё сен осмон.
Бизни туташтирган уфкнинг эса,
Юраги ёнарди ўзга оташдан.
Бу нечук синоат, бу нечук сеҳр
Оқшом хузурланар бизни ўрташдан...
Висол окшомида эврилиб ётган
Бўрон сен эдингу, куюн мен эдим...



ИТЛАР

Ўтиб борар эдим махалла аро,
«Итлар» талаб қолди мени ногаҳон.
Улардан омон қолгунимча то
Найлай, етиб бўлди ҳалқумимга жон.

Ўтиб борар эдим бир дала бўйлаб,
«Итлар» талаб қолди яна ногаҳон.
Яйдоқжой — қутилмоқ чорасин ўйлаб
Аранг сақлаб қолдим улардан ҳам жон.

Бир жойга бордим-да, бир тош устига
Ўлтириб дедим мен чуқур олиб тин:
– «Дала кучуги»дан асра табиат,
«Занжирли итлар»дан ўзинг сақлагин...



МУХЛИС

Оломон. Йўқолган кимсани излаб,
Юрибман ўзимча тентираб хар ён.
Йўк мен учун таниш қиёфа,
Интиқ ва синиққан вужудим вайрон.

Ана у, ана у. Худди ўша у,
Мени танигану, мен билган одам.
Кўксимни ўртади ғалати туйғу...
Бизлар сўрашдик сокин, хотиржам.

Шеъримни ўкиди, сўзлашдик аста,
Сухбат кизигандан кизиди тамом.
Хайрият, бор экан мени англаган —
Биз бошқа, бошқамиз... бошқача авом...

Оломон. Йўқотган кимсамни топдим,
У менга дунёда ягона эди.
Биз ошно эдик, рост, кадрдон эдик,
Оломон бизларга бегона эди.



ЧОЙНАК ҲАҚИДА

Чойнаккинам, билсам буюк
Камтарликка эгасан.
Шунинг учун доим бошни
Пиёлага эгасан.

Таъзим бажо қилиб туриб
Айтаётган каломинг —
Ўздан кичикларга сенинг
Эхтироминг — саломинг.

Сендан қачон пиёлага
Ўргандим чой қуйишни —
Одатландим шу кундан мен
«Ассалом» деб туришни.



БОБО

- Жўраларни асранг!
 - Дўстларни асранг!
- Бу тўксон уч ёшли бобонинг гапи.
Шаҳар кезиб бирор тенгдош тополмай
Ўртанган юракнинг азиз матлаби.
Сирлашай деса бир сирдоши йўқдир,
Сухбатлашай деса сухбатдошлар ҳам.
Ўтиб кетганларни қайтармас экан
Кўзлардан окқан аччиқ ёшлар ҳам...
Бобо дўстин излар, жўра излайди,
Биродарлари йўк бари бегона.
Қайтариб бўлмаскан ортга изларни,
Хувиллаб қоларкан бу дунё — хона.
Бобо жўра излар, биродар излар
Шаҳарни кезиб, айланиб секин.
Пичирлаб қўяди ўзича аста
Ҳассага суяниб чуқур олиб тин:
– Жўраларни асранг!
– Дўстларни асранг!



* * *


Дўстим, хайратларинг мусаффо бўлсин,
Дўстим, хайратларинг бўлмасин ёлгон.
Сен бу хайрат учун қарздордирсан —
Келажак қўймагай ёлгонни омон.
Омон бўлай десанг хайратлангин соз,
Чунки қоғоз бўлиб қолар сувқоғоз.

* * *

Хайр демак, нақадар мушкул,
Хайр демак, нақадар оғир.
Хайр деса, демаса-да тил,
Бизни қадам айрур барибир.

Биз кетамиз одим ва юрак
Хукмига жим бошимиз эгиб.
Ўзда эмас ихтиёр, демак,
Бир сўз айтай мен тилга келиб:

— Хайр майли, хайр, жонгинам!
Кўришгунча бўлайлик омон.
Учрашайлик ёруғ кунларда,
Омон турсин бу ёруғ жахон...





ШАМ

«Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач»...

Ёнсайди дунё аҳли хам –

Бўлмасди ҳеч жабру ситам,

Тортмасди Инсон ғам-алам.

«Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач»...

Ақлини равшан қилолмай доғда инсон аҳли кўп –

Бу – яратган неъматини беихтиёран гоҳ-гоҳ,

Дей шукур, оз билса-да, ардоқда Инсон аҳли хўп.

Турфа бу нурли заковатинга минг қуллуқ жаҳон,

Қолмагин тўхтаб, тилак шу, фикр этишдан ҳеч

қачон...

«Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач».



ОЙДИН КЕЧА

Ой қишлоқнинг йўлида, гоҳ у ёнда —
Ой қишлоқнинг йўлида, гоҳ бу ёнда.
Ойга боқиб азобланар бу жоним,
Қийналаётган эсам, нетай, ҳижронда.

Йўллар олис, шошиб, елиб бораман,
Дардларимни елга бериб бораман.
Бу йўллардан ўтганлар кўп, юрган кўп,
Отим эмас, ўзим ҳориб бораман.

Ортларимда қолар адл тераклар,
Ойга, менга боққан одил тераклар,
Мунгли-мунгли шитирлаган шамолда,
Ойдин кеча — сояси зил тераклар.

Ой қишлоқнинг йўлида, гоҳ у ёнда —
Ой қишлоқнинг йўлида, гоҳ бу ёнда.



ШОИРНИНГ ИШХОНАСИ

Қобил Мирзога

Шоирнинг ишхонаси
оддийгина бир хона,
Жихозлари бу уйнинг
сўзу қалам ва қоғоз.
Шоирнинг ишхонаси
шинам, сўлим — нурхона,
Неки яхшилик бўлса
ардоқда — бунда эъзоз.
Токчаларга қўйилган
яшнаб тургувчи гуллар,
Қаранг, тугиб қўйибди
эзгулик деган гунча.
Шоир унинг ишқида
тунни тонгларга улар,
Кипригини юмайди
то у очилмагунча.
Бу хонада ором йўқ,
бу хонада бедорлик,
Адолатнинг муқаррар
қатъий қарори учун.
Бу хонадаги ишга
ёт эрур дилозорлик,



Шундан бедор шоирнинг
умидлари бус-бутун.
Шоирнинг ишхонаси
шинам, сўлим — нурхона,
Негаки унинг уйи
доим кунгай томонда.
Балки шунинг учун ҳам
шеърлари етиб борар,
Авлодлардан авлодга,
замонлардан замонга...





СУҲБАТ

Кунлардан бир кун
Одам қад тиклаб
Табиатга комат
Айлади кўз-кўз.
Билак кучларини
Намойиш қилди,
Деди: Қудратимга
Сира ҳам йўқ сўз.
Табиат жим қолди,
«Уф» тортди секин,
Сўнгра гап бошлади
Шошмасдан аста.
Айтди: Қудратингга
Қойилман, лекин
Куч-қувватинг мени
Айлади хаста.
Танамда сен барпо
Этган жароҳат,
Ўйламай соғлигим
Хароб қилдинг-ку!
Менда ҳам, сенда ҳам
Йўқ ҳеч фароғат.
Турли захарларни
«Ижод» қилдинг-ку!
Хасталикда асли
Икковлон тенгмиз.



Мен берган мевани
Ўзинг тотасан.
Билак кучингни сен
Кўз-кўз қилсанг ҳам,
Йилда икки марта
Касал ётасан.
Демак, менга сенинг
Кўрсатиб турган
Ёмон таъсиригинг
Оқибати бу.
Демак, захарланиб —
Хасталанганмиз,
Сенда ҳам, менда ҳам
Бир талай оғу.
Шулар етмаганидек
Яна ҳар куни,
Турли балоларни
Ўйлаб топасан.
Бир ниҳол тимсолида
Яшнаб кўринсам
Қўлга болта олиб
Дадил чопасан.
Ақлинг калталиги
Оқибатида,
Кичкина кучингга
Ишонсанг, нетай.
Ҳақиқий қудратга
Эришай десанг
Мени қудратли эт,
Тасаддук кетай.
Инсон билагига

Назар соларкан,
Юзлари кизариб
Уялиб кетди.
Чунки бу Табиат
Зорланиб туриб
Ошкор айтаётган
Аччик сўз эди.
Ҳақ гап қаршисида
Бош эгди инсон,
Жим қолди узок
Ҳаёлга толди.
«Она табиатим,
Асрайман», — деди,
Шу кундан ороми
Яна йўқолди...





ИККИ ГУРУҲ — ТҶҲРТ КИШИ

Ҳассани дўқиллатиб,
Саллали тўрт оқсоқол
Кўчадан ўтиб кетди,
Шамол мисол бемалол.

На бирор хасса қолди,
На қолди бирор салла.
Шугина эди халос
Улар қўйлаган «ялла».


Таёғини силташиб,
Тўрт навқирон — тўрт миршаб
Кўчадан ўтиб кетди,
Ўша қундуз, ўша шаб...

На қолди бир қўланка,
Ва на бирор бир соя.
Шугина эди халос
Улар айтган «хикоя».

Ўтиб кетди ўшандай,
Икки гуруҳ — тўрт киши.
Эл ичида бажарган
Иши пўкак-мўрт киши.

На бирор соя қолди,
На қолди бир қўланка.
Дўстлар, уларнинг иши
Арзимади «ўлан»га...

Кўчамиздан ўтаётган,
Икки гуруҳ — тўрт киши,
Шундай уларнинг иши.





ШЕЪРГА МАВЗУ

Кўнглимда хаваслар
илк бор юз очиб,
Юрагим ижод
ишқига ошно —
Ҳали шеър ёзмаган
бўлсам-да ёлчиб,
Дастлабки рағбатлар
бўлди рахнамо.
Шеърим — машқларимнинг
асл шайдоси —
Домлам балли дея
аста маъқуллаб,
— Битта зўр мавзу бор,
сен ёза берчи...
Бир кун айтиб бераман, —
дер эди қўллаб.
Юракка ўт ташлар
эди қайтадан,
Ўша хуш нотаниш
фикр хаёли.
Уни излар эдим
кундуздан, тундан,
Қўлдан тушиб йўқолган
танга мисоли.
Фўр бу ўсмирликнинг
шавқи ила маст,



Шеър ўқиб қолардим
домлам олдида.
У дерди: Мавзу бор,
сен ёза берчи,
Айтиб қўйсам яхшимас
сенга олдиндан...
Нимакин у дея бўлиб
беором,
Изладим топай деб
ўша мавзуни.
Улфатларим бўларди
ҳамиша илҳом,
Лекин устоз ошкор
этмасди уни.
Тортинмасдим асло
унинг олдида,
Бўш машқларимни
ўқисам такрор.
Дерди: Айтсам ярашмас
сенга олдиндан
Майли ёзабергин-чи,
ўша мавзу бор...
Ҳамон айтгани йўқ,
хамон излайман,
Топай деб устознинг
кўнглидагини.
Кўнглим ҳам тўлмайди
ёзганларимдан
Ёзибсан демайди
кўнгилдагини.



Унинг дейдигани
 факат шу бир гап:
– Яхши, ёзабергин,
 ўша мавзу бор.
Айтиб қўйсам яхшимас,
 сенга олдиндан...
Хамиша шу хитоб
 бўлади такрор.





БЕДИЛ

Бедил хайрон.
Чала мулла,
Қўзғар унинг қаҳрини.
Топдим дея бир рубоий
Олтмиш битта шарҳини.
Мақтанади: «Битта шеърда
Шунча маъно борлигин.
Бедил шоир ёзганлигин
Тасаввурлаш ҳам қийин...
Бедил хайрон.
Чала мулла,
Қўзғар унинг қаҳрини.
Топдим дея бир рубоий
Олтмиш битта шарҳини.
Шу тунда у ташриф этди
Чала мулла тушига,
Доно шоир пайдо бўлди
Мақтанчоқнинг тушида;
Айтди: — Нодон, мен ўйлаган
Ўйнинг ярмин англадинг.
Агар озроқ идрок этсанг
Балки барин англадинг...
Шундай дебон, бўлди ғойиб
Ўзга ҳеч гап демади.
Чўчиб кетди илми толиб,
Сўнг уйкуси келмади.
Бедор ўтди то тонггача,
Юмолмади сира кўз.



Ўз-ўзини койиб чикди,
Айтибман деб бежо сўз.
Билмайди-да муллавачча,
Ўз-ўзича мақтанур.
Заргармас у, фарксиз унга,
Қайси садаф, қайси дур?!
Гул узсайди, сезар эди
Хар тикканнинг азобин.
Бедил айтар: — Кўрмовдим-а,
Бундайин беодобни.
Лек тушини ҳеч кимсага
Этолмади у баён.
Чунки шу туш қилган эди
Унга хикматни аён:
Ўтганларнинг фикри учун
Тухмат этса ким изхор.
Уларнинг пок ёди албат,
Айлагайдир шармисор.



УЧРАШУВ ТУГАГАЧ

Хар учрашувда шу гап
Айлаб қолишар талаб —
— Шоир акам шеър ёзиб,
Берса бизларга атаб.


Чуғурчуқ болажонлар,
Эри йўқ — тул жувонлар.
Молбокар — чорвадору,
Миришкор, ёш боғбонлар.

Учрашув охир бўлгач
Такрорланади шу гап:
— Шоир акам шеър ёзиб
Берса бизларга атаб.

Тиши йўқ кампирлар хам,
Баъзи бир хил — сурлар хам,
Бошлиқ зуғуми билан
Бўлиб қолганида жам.

Ўқилган шеърлар ёқиб,
Гўё сув бўлиб — оқиб.
Ўрнидан туриб шартта
Сўзлай бошлар тутокиб:

— Шу кеч, шу ўгил кўрдик,
Илож бўлса... шу талаб.





Шоир акам шеър ёзиб,
Берса ўшанга атаб.

Яйраб кетади йигин,
Сўзлар эл бирин-бирин.
Холик бува шарт туриб
Очар аста калб сирин:

Дер: Ҳеч овқат емайман,
Тунлар ором билмайман.
Бир гап чиқиб қолар деб
Келган эдим атай ман.

Очиқ гап, Ризвон кампир
Юрагимга ўт қалаб.
Қўйган, шоир шеър ёзиб,
Берсин ўшанга атаб.

Сўнг туриб митти ўғлон,
Бурнин тортиб ҳар замон.
Айтар: Яхши биламиз,
Шеър ёзиш эмас осон.

Шундай бўлса ҳам лекин,
Шоир акадан талаб.
Битта шеър ёзиб берса,
Оқар бурнимга атаб...

Чуғурчук болажонлар,
Эри йўқ — тул жувонлар.
Турмуш қилмаган қизлар,
Уйланмаган ўғлонлар.





Мақсадлари ранг-баранг,
Бари сўзлар билмай тин.
Бири эрга тегсам дер,
Бири дер олсам хотин.

Ҳаммасида шу хил гап,
Ҳаммада шундай талаб —
Шоир акам шеър ёзиб
Берса ўшанга атаб.

Шоир эса ўйланар:
Эрга ҳам тегиб олгин,
Ука, шеърда нима айб
Майли, уйлана қолгин.

Ҳар учрашувда шу гап
Айлаб қолишар талаб:
— Шоир акам шеър ёзиб
Берса бизларга атаб.



МАМНУН ЭМАС

Телбалик мамнун эмас, мамнун эмас,
Хеч қачон у шод эмас, махзун эмас.

Билмагай Ширин надур, Лайло надур,
Чунки у Фарход эмас, Мажнун эмас...

Сезмагай дўстона изтиробни ҳам,
Дўстлик туйғусидан дилхун эмас.

Сал ёритгувчи чироғи йўқ унинг,
Зулмат у оддийгина бир тун эмас.

Ким дегай: эркинлигин, тутқинлигин,
Эркин эрмасдир, вале тутқин эмас...

Истаги ўз мақсадига етса у,
Телбалик мамнун эмас, мамнун эмас.

Шу балодан асрагин Аллох ўзинг,
Барча малъунлар тўла малъун эмас...



ҲУКМРОНЛИК МАЪНОСИ

Сохибқирон Амир Темур оламгир,
Дер: Оёғим остида кенг оламдир.
Таажжубки, қалба зарра хайрат йўқ,
Ҳаммасидан хотиржамман, қўнгил тўқ.
Бу ўзимга ишончми, ё биноми,
Яратганнинг олдидаги хатоми?!
Бу оламнинг нелигини билурман,
Балки... шундан... мен хотиржам турурман...
Сўнг эслар у Искандарни – фотихни...
Кетар чоғи икки қўлин очибди
Ва айтибди мен ҳеч нарса олмадим,
Фурсат етди, кетмоқликдан қолмадим...
Недур асли ҳукмронлик маъноси...
Шундай... шундай... яратганнинг маъвоси.
То қиёмат қадар шу ҳол такрордир,
Бу хил асрор чин Эгамга изхордир...
Сохибқирон Амир Темур оламгир,
Фикр этиб дунё ишин бирин-бир.
Ҳукмронлик маъносини англайди,
Хаёлида кенг дунёни айланди...
Деди: Аста, ўз-ўзича пичирлаб,
(Мулозимлар... ён-верига бир қараб):
– Бу дунёнинг нелигини англадим...



ҲИЛОЛА

Эй гўзал киз, сулув, барно Ҳилола,
Қалбим ишқнинг майи тўла пиёла —
Дейман уни, тўкилмаса сен учун,
Қалбмас қўшиқ тўқимаса сен учун.
Қўшиғимни тинглаб-тинглаб бутун эл,
Қайғуларни унутишса бўлиб сел.
Рақиблар ёнса-ю, дўстлар қувонса,
Боғлар аро фасли баҳор уйғонса.
Шунда тинглаб булбулларнинг хонишин,
Десалар бу Фариджоннинг ёниши...
Эй гўзал киз, сулув, барно Ҳилола,
Қалбим ишқнинг майи тўла пиёла...



СИЗНИНГ ШЕЪРИНГИЗ

Уйку қочди, қоқ ярим тун ёдга тушди ёдингиз,
Шеър ёзилди Сизга, бўлди у сизнинг ижодингиз.
Лайли деб таърифладим, Ширин дедим тун ярмида,
Мен Сизнинг Мажнунингиз, мен сизнинг

Фарҳодингиз.

Балки бу ташбех малолдир, ноўрин тимсолдир,
Шод бўлай деб орзу айларди ахир ношодингиз.
Илтижо қилса, ялинса бир нафас раҳм айлангиз,
Бор бўлуб — бунёд бўлиб тун ярмида барбодингиз.
Тун деяр: Ул деб дамодам сен ҳамон тутқиндасан,
Рости озодми билолмас, бу ғариб озодингиз.
Ғафлат уйқуси ёмон — кўнгли қаро зотдан ёмон,
Минг шукрки, бизни уйғотди нигора, ёдингиз...
Ёзса ёзгандир Фарид, илк мохиятни аслида,
Бу сизнинг ўз шеърингиздир, бу сизнинг

ижодингиз...



* * *

Ит қаршимдан чикиб қолар ногахон,
Аввалги қалтакнинг зарби ёдида.
Хўмрайиб қарайди, думини қисиб,
Аммо ўтиб бўлмас унинг ёнидан,
Қўлдаги гавронинг узун бўлса-да,
Бари бир итдир у, итлигин қилар...
Юрагимни бир зум сескантиради,
Тишлаб олмасмикан деган туйғулар.
У шундай «одам»ки, итга монанддир,
У шундай «одам»ки, рост итга киёс.
Қопоғон итларни кўргандайинман,
Рўпарамдан келса шу «одам» бехос...



ИХТИЁР

Ихтиёримни бировга берганим —
Ихтиёримдан тамоман тўйганим.

Ихтиёримни бировга берволиб,
Ихтиёри борлигидан кулганим.

Ихтиёрим, рост кечирсин мени гоҳ
Ихтиёрига ўзимни қўйганим.

Ихтиёримни бериб қўйиб, қаранг,
Ўлганим қурсин деярман, ўлганим...

Бу ўзи, не кўргилиқдирки ўзи,
Кўрганим етмасиди бу кўрганим...

Ихтиёрим ЭРК экан билсам Фарид —
Ихтиёрсизлик экан чин ўлганим.



«ЎЙИНЧИ»

«Ўйинчи» ўйнайди, ўйнайди фақат,
Унга шу... хамиша ўйин бўлса бас.
Фиромми, халолми, кизиқтирмайди
Унга ўйин фақат, ўйин муқаддас.

Унинг эътиқоди, имони ўйин,
Унинг покликлари, виждони ўйин,
Унинг бутун жисми ҳам жони ўйин,
Борлиқ тириклиги — жаҳони ўйин.

Чарчамас бир лахза, «куллук» қилади,
Катталарга доим қуллик қилади,
Керак бўлса зўрлик, сурлик қилади,
Товланар, ўзин туман-турлик қилади.

Ўрнида бузокни амма деб атар,
Ўзидан йўғонлар унинг-чун «гавҳар»,
У шундайин «шелуха», у шундайин ғар,
Шу хилда таржимаи холин тўлғазар.

Мақсади янада каттакон бўлиш,
Сергавда, қориндор, хўп йўғон бўлиш,
Бурнин қўқда тутиш, — осмон бўлиш,
Яъни «барашка»ларга қўйчўпон бўлиш.

Ўйнайди, ўйнайди, ўйнайди фақат,
Билар, амал ўйини этмайди шафқат,
Ажабо, унга шундандир роҳат,
Шундайин, ўйнайди, ўйнайди фақат...



АТЛАС

Атлас, ёнар атлас.
Зебо санам ўт ичраю, жоним олов ичра,
Дема олов ичраю, балки синов ичра.
Жон унда мисол хас,
Атлас, ёнар атлас.

Ўт ичра бу жоним менинг ўртонса нетойин,
Қайларга кетойин, яна қайларга кетойин,
Жон ёнадур, тобора не чора этойин,
Куйсам куйин майлига, васлига етойин,
Атлас, ёнар атлас,
Дил унда ёнар хас.

Ёнмоқда уфқ. Шуъласи кўнглимга туташди,
Бу шуъла мисол тўлқин уриб тўлдию тошди,
Тошмади йўқ, балки у чин куйдиргали шошди,
Рақс этса, қаранг, энди уни ҳаддидан ошди,
Атлас, ёнар атлас,
Жон куйди мисол хас.

Куй, майли Фарид сен ёнар ўлсанг агар унда,
Бир лаҳза ёниб ўтгуси у шундайин кунда,
Чин моҳият ўлғуси чин кулда — кукунда,
Тун орқасидан тоза ёришгувчи у кундай,
Атлас, ёнар атлас —
Бир ўтки, муқаддас.



МАҲАЛЛАЛАР

Агар хар саҳар юрган бўлсангиз
Ўзбекнинг кўчаси сўлим ва сулув,
Келинлар супурган, кизлар супурган,
Гўё бу кўчалар тиниқ бир туйғу.
Узун маҳаллалар оралаб гоҳо,
Шаҳар кезар бўлсам эрта тонг чоғи,
Юртим кўзларимга оппоқ кўринар,
Бўлиб ўн саккиз ёш қизнинг дудоғи.
Ўсмир чоғимдан, мен бўй чоғимдан,
Узун маҳаллалар, севганман сизни.
Севганман! Севганман! Сир эмас асло,
Кўча супураётган ой кизингизни.
Покиза даргоҳнинг севгиси ҳам пок,
Бўларкан, қаранг-а, сезмабман-а, ох!
Ёшим олтмишларга борган бўлса ҳам,
Ҳамон бу хаёлим кўкида ул моҳ...



* * *


Меҳрибон ҳам ўзингсан, номеҳрибон ўзингсан,
Хокисор бу жисмимга ярашиқ жон ўзингсан.

Яхши йўлларга даъват айлаб турувчи ҳамда
Жумла ёмон ишлардан сақлар омон ўзингсан.

Ох, кўзларингни таъриф этмоққа сўздир ожиз,
Киприги қасди жон — ўқ, қоши камон ўзингсан.

Борни барбод этувчи, йўқларни бунёд этган,
Ҳар соҳада ҳамиша ҳукми равон ўзингсан.

Шайдои ошиқ этдинг, суйдирдинг, эй нигоро,
Не-не кўнгиллар ичра орзу армон ўзингсан.





* * *

Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, ким ёнади, эй дўстим,
кел ёнайлик, эй
дўстим!
Шу юрт учун, шу халқ учун уйғонайлик, эй дўстим,
уйғонайлик, эй
дўстим!
Кўзлар агар очилмаса, идрок агар кулмаса,
танимасак ўзликни,
Киприк найза каби танга ботсин, унинг устида
тўлғонайлик, эй
дўстим!
Тўлғонайлик,
эй дўстим!
Ўз-ўзига хиёнатни тарк айласин бу миллат, тарк
айласин
бу миллат,
Бир-бировга чирмашайлик — чулғонайлик, эй
дўстим, боғланайлик,
эй дўстим!
Мехр бўлсин ораликда, бўлсин тоза садоқат,
Шу садоқат, шу мехрдан айланайлик, эй дўстим,
айланайлик,
эй дўстим !
Фарид айтар : — Бу юрт бизнинг — шу халқ асли
ўзимиз,
Мен ёнмасам, сен ёнмасанг ким ёнади, эй дўстим,
кел ёнайлик,
эй дўстим!



* * *

Бу олам ишига хайрон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!
Ёмон ишдан дили вайрон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!

Бу дунё ичра не яхши, ёмон идрок килинг ҳукми —
Яратган ҳукмидан сўзон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!


Мунаввар чехрадирсиз, бир-бирига хуш нигоҳлисиз,
Ўзал кўзга ўзал мужгон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!

Чўзинг бир-бирингизга доимо ёрдам қўлингизни,
Нима мушкулки бор осон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!

Шу миллат деб куйинг, ҳам ўртанинг, чойдиш
бўлиб гўё
Варақлаб кайнангу кумфон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!

Ёруғ оламни ер ё осмонсиз ҳеч билиб бўлмас,
Бири еру, бири осмон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!

Вужудсиз тан билан жонни ўзига бир бутун тутган,
Бирингиз тан, бирингиз жон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!





Омон сақланг ўзингизни — омон бўлсин ҳамма яхши,
Ёмонликдан мудом омон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!

Насихатмас, Фарид, бу англаган зотларга бир даъват,
Яратган ҳукмидан сўзон бўлинг дўстлар, бўлинг
дўстлар!





БЎЁҚЛАР

– Мен сариқман!
– Мен қора!
Мақтанишар
Бўёқлар.
– Мен яхшими?
– Сен яхши?
Ёғилади
Сўроқлар.
Оқ айтади:
– Мен оппоқ –
Ҳаммадан пок
Тозаман.
Ҳамма вақт
Ҳар сўзни
Соф, озода ёзаман.
Яшил дейди:
– Билиб ол,
Мен ҳаммага
Керакман.
Хушманзара
Ўтлоғу
Зангори тол –
Теракман.
Тилга кирар
Жигарранг:
– Менинг ҳам ўз
Ўрним бор.



Рангимдаги
Мебелдан
Гўзал эрур
Уй-рўзғор.
Тугамайди
Бахс хеч,
Шундай давом
Этади.
Бўёкни олиб
Рустам
Қопқоғини
Кўтарди.
Чўткани
Тупугига
Хўллаб, сурта
Бошлади.
«Дод» деди
Яшил бирдан,
Кўзларини ёшлади.
Бечора бўёқларнинг
Рангида ранг
Йўқ эди.
Зўрман деган
Қорани
Зўрға танирди
Оқ ранг.
Жигаррангдан
Сарикнинг
Юзлари тиртик
Эди.
Таажжубки,
Қизилнинг



Бир лаби
Йиртиқ эди.
Рустам тоза
Рангларни
Оқ коғозга
Чаплади.
Кулок солмай
Додига
Рассомликни
Боплади.
Кўриб қолиб
Акаси:
— Ранг қипсан
Ҳамма ёқни! —
Деб укаси
Қўлидан
Олмаганда
Бўёқни,
Бўлмаганда
Равшанжон
Бўёқлар икболига
Маймунлар
Йиғлармиди
Мақтанчоқлар
Ҳолига...



* * *

Ҳикмат қаршимизда — яхши ҳам ёмон, —
Ёмондан ҳамиша бўлишлик омон.
Демак, инсоният яшар экан то
Ҳикматлардан холи бўлмайди замон.
Билгил! Бурчинг эмас фақат ҳикмат яратиш,
Балки унга амал ҳам қилмаклик, ИНСОН!

КЕЛ

Оппок дудокларингдан, кел, ўпиб қўяй,
Бизга ҳаёт берган Яратган ҳаққи.
Ўтли ҳарорат-ла олган ўпичим,
Бу — менинг ҳақимдир, ҳам — сенинг ҳақинг...
Ҳаёт бизлар учун бир бутун нондир,
Унинг ярми сенда, бил, ярми менда.
Азиз билгин, тугал кўздек асрагин.
Увол қилма нонни, сўрайман сендан.
Оппок дудокларингдан, кел, ўпиб қўяй,
Чунки унда ширмон ноннинг таъми бор.
Сен бераётган шу бўсалар ҳаққи,
Оламда яшайлик тўқ ва бахтиёр.



ЙЎЛДАГИ ТАБАССУМ

(Ҳазил)

Йўлда кетар эдим, паришон хаёл,
Рўпарамдан чиқиб қолди «Табассум» —
У шўҳ кулиб, сўради ахвол,
Деди: Кўринасан нега сен маъсум?
Унинг лутфи ила ёришди чехрам,
Бўлдим боши узра офтоб чиққан тоғ.
Бир лаҳза кўксимда эриб кетди ғам.
Табассум деган дўст очиб кенг қучоқ.
Олам ташвишларин буткул унутиб,
Одамларга бокдим мамнун, бахтиёр.
Аммо навбатдаги бекатга бориб
Тушиб кетди дея: Хайр, яхши қол!
У манзилга қадар бўлмади хамроҳ,
Ярим йўлда мени ташлади — кетди.
Гўё йигитига фироғлар этган
Серноз, гўзал қиз қилигин этди.
Яна бир бошимда минг турфа хаёл,
Бир оз серташвиш, бир оз паришон.
Бораман қўлимда совға — зар рўмол,
Хафа бўлмасмикан дейман хотинжон...



* * *

Бола кулади ва бола йиғлайди,
Гўдакка шу туйғу эканки ошно,
Қувонч ҳам қайғудан иборат бўлган
Оламда бизлар бир бечора, ошна!
Нега қувонмайлик, қайғурмайлик биз,
Ишониб турганда бизларга дунё.
Қўтармасак унинг оғир бу юкин,
Яшаётганимиз эмасми рўё?
Қисматда не ёзиғ бўлса кўрилу,
Қочиб қутилинмас ундан, албатта.
Кулмоқ, йиғламоқни билганда бола,
Бизнинг улушимиз, билиб қўй, катта...



ҲАЁТ ШАМИ

Ойнага боқилса юз кўринар, лек
Кўринмас ўзликнинг яхши-ёмони.
Яхшию ёмондан холи демасмиз,
Хар вужуд ҳаётнинг икки томони.
Унда иқроқ мавжуд, унда инқор бор,
Ҳеч қачон бу ҳолдан бўлолмас холи.
Тўхтовсиз айланиб тура беради,
Чарх аталмиш еру осмон мисоли.
Гоҳо кундуз каби бўлур ёп-ёруғ,
Гоҳо кеча янглиғ бўлур зимистон.
Демак, ёнаётган ҳаёт шами у,
Демак, тирик вужуд, демак — тирик жон.



ЖАҶОН АЙВОНИ

Тўхтаб қолмасин деб Вақт деган ҳол,
Доим ҳаракатда — юриб ўтамиз.
Ўтган вақтимизга ачиниб баъзан,
Гоҳ унинг устидан кулиб ўтамиз.
Яшамокдан гоҳо миннатдор бўлиб,
Гоҳо лабимизни буриб ўтамиз.
Жаҳон айвонида қилар ишимиз
Эртадан кеч қадар тиним не билмай
Кунни юмалатиб — суриб ўтамиз...





* * *

Яна ёдингда қолсин, ёр, баҳор боғларга келган кун,
Сену мени кутиб такрор баҳор боғларга келган кун.

Баҳор бир йилда бир келгай, сену мен бўлса бир
бор хам
Кўриша олмадик зинҳор, баҳор боғларга келган кун.

Қара, боғлар тароватли, қара, ҳаттоки сой қувноқ,
Қилибди жилвалар изҳор, баҳор боғларга келган
кун.

Сенинг жабрингни не дей мен, не дей озорларингни,
ёр,
Йўқолса жабр ё озор баҳор боғларга келган кун.

Одамлар наздида олам баҳор келса улуғвордир,
Сенингсиз менга олам тор баҳор боғларга келган
кун.

Фариднинг илтижоси гар етиб борса қулоғинга,
Мудом ёдингда қолсин, ёр, баҳор боғларга келган
кун...



БИЗНИ СЕВГАНЛАР

Бизни севганлар хақиқатан адолатпешадир,
Бизни севмаслар «адолат» дейдию, кўп эшадир...

Оғзи тўла кимсаларнинг сўзининг ёлғони кўп,
Севгиси бўлганлар айтсин, кўнглида андешадир.

Тўғри, осон нарсани бир нарсага қилмоқ сабаб,
Устаси зўр уста, лекин ишни қилган тешадир...

Ким нима деб айтса, айтсин эй Фарид, бизлар учун,
Бизни севганлар хақиқатан адолатпешадир.



ОЛТИН ҚУШ

Фасллар — ёз, баҳор, куз ҳамда оппоқ киш,
Фасллар ўз меъёри бирла айланмиш.

Ки гўё тинмайин парвоз этиб турган,
Умр ушбу фасллар ичра олтин қуш.

Биров бор, бу ёруғ оламда уйғоқдир,
Бировнинг умридир уйқудаги туш.

Биров толени Тангридан тилаб тинмас,
Биров толега дер: Кел, ёнима, кел, туш...

Чавандозсан ҳаёт даштида, сен, эй дўст,
Кутиб турмас қиём пайт, яъни вақти туш...

Безақдир, эй Фарид, оламга одам ҳам —
Фасллар — ёз, баҳор, куз ҳамда оппоқ киш.



* * *

Вақтичоғлик осмонининг остида қолган,
Чоғимизда унутмайлик ундан нарини
Ва ростмана вақтичоғлик қила олайлик
Кулгу билан «йиртиб» ташлаб ғамлар бағрини.
Осмон хайрон қолсин, хатто ер хайрон қолсин,
Яратганнинг инояти бўлсин бу ҳолат.
Шодликхона, қувончхона деган-ку ўзи,
Ғамхона деб қурилмаган ахир иморат.
Бас, шундайкан, вақтичоғлик қила олайлик,
Кулгу билан «йиртиб» ташлаб ғамлар бағрини.
Аммо шодлик осмонининг остида қолган —
Чоғимизда унутмайлик ундан нарини...



* * *

Жисм аро сўнмай ҳарорат жонажон бўл, жонажон,
Бир-бирова дўст, бағоят меҳрибон бўл, меҳрибон.

Турмагай асло караб, билсанг, тириклик ўтғуси,
Кетмайин дурдона фурсат кадрдон бўл, кадрдон.

Кўп хиёнат кўчалари, кирмагин, дўст устидан
Юрмагин айлаб шикоят — соф инсон бўл, соф инсон.

Сен омонликни тилар бўлсанг агар, дўстни дегин,
Тут бу туйғуни саломат ва омон бўл, чин омон.

Этикод шулдир жаҳонда — тоза имонлик шудир,
Алдама Аллохни шояд, чин имон бўл, чин имон.

Айтди бу сўзни Фарид жонидан ўтгач бир алам,
Тинглаганлар, сизга раҳмат ёғилиб турсин хар он.



* * *

Умримизни кутқарайлик, умримизни асрайлик,
Энди тавба-тазаррулар – ибодатлар қилиб биз.
Умримизни кутқарайлик, умримизни асрайлик,
Содир бўлган хатолардан рости, гоҳо кулиб биз.
Ўзи берсин ибодатни, ўзи берсин таквони,
Дилимиздан бир дақиқа бўлмасин У бегона.
Фикримизга ошно этсин тонгги сўлим сабони,
Сабабики, ўзни таниш учун субҳ остона...
Эрта сахар турайлик-да умримизни асрайлик,
Яратгандан тилаб аста жойнамозга қўйиб бош.
Биз ибодат қилган чоғда ўтган умримиз бўлсин –
Чин таквони ёритувчи ордан нур сочар қуёш...



БАҲОР БЎСАЛАРИ

Соғинган эрди боғларни баҳор ўпди —
Яшил қирларни алвон лолазор ўпди.

Чирой топди баҳор ўпичидан борлик,
Баҳор борликқа эрди ташна — зор ўпди.

Қуёшдан тафт олиб хўб яйради жони,
Илиб бор жисми жони хуш хумор ўпди.

Тиниқ ойна янглиғ айлаб осмонни,
Уфқлар жилваланди — беғубор ўпди.

Назокат бирла олган бўсаси қушлар —
Овози бўлди, янграб ошкор ўпди...


Сахарлар уйғониб боғларни айландим,
Баҳор боғларни такрор хар наҳор ўпди.

Фарид, рашким баҳорга келса мен найлай,
Дедим: Юрт боғларини гул баҳор ўпди.



* * *

Аҳмоқлик — тубсиз бир жарликка ўхшар,
Унга қулаганлар қанчадан-қанча.
Аҳмоқлик — кўчада кетаётган чоғинг
Елкангдан торткилар совуқ бир панжа.
Доим сесканаман хис қилсам уни,
Эй Аллоҳ! Асрагин ёвуз у қўлдан.
Майли, кўчалардан ўтмайин, майли,
Майли, қолиб кетай саҳрои чўлда.
Фақат у аҳмоқлик панжаларидан,
Ёруғ бу оламда юрсам бас, озод.
Дунёда яшайман барча қатори —
Юрагим тубида мана шу фарёд...





* * *

Жонона, ширин жонсан,
Сен жона ширин жонсан.

Айтар бу ширин жоним:
– Кел, жона, ширин жонсан.

Жоним, бўлақол жоним,
Мардона ширин жонсан.

Лутфи карам, лутфи соз
Мастона ширин жонсан.

Дунёда йўк сендек жон,
Ягона ширин жонсан.

Кўнгил деб айтилган бу
Бўстона ширин жонсан.

Жонимга кел, эй жоним,
Сен жона ширин жонсан.

Садкадир Фарид жони —
Жонона, ширин жонсан.





* * *

Тунлари юлдузли самога қараб,
Аллоҳдан сўрайман ўзимга-ўзим:
– Бир умрга мени қўйди-ку алдаб,
Ёлғончи қўзларга тушмасин қўзим.
Ҳа, қўзлар алдади — севаман, — деди,
Ўйлабман, шудир чин ёруғ юлдузим.
Аллоҳдан сўрайман, сўрайман энди
Ёлғончи қўзларга тушмасин қўзим.
Садоқат ўрнини олди хиёнат —
То яшар эканман шудир чин сўзим,
Қўзларга тикилиб юраин фақат
Ёлғончи қўзларга тушмасин қўзим.



* * *

Аллох насиб этди сизни севишни,
Ишқнинг оташида ўртаб куйишни,
Аллох насиб этган мухаббат ҳаққи,
Сизни унутишга йўқдир ҳеч ҳақим.
Тангри ўзи берсин бардошу чидам,
Севги шодлик десам, экан буткул ғам,
Лекин ўлмас экан ғамларга одам,
Темир тоблангандайин ўтда мустаҳкам,
Аллох насиб этган мухаббат ҳаққи,
Сизни унутишга йўқдир ҳеч ҳақим.
Вафо бўлмаса ҳам севгимизда, ёр,
Баҳор чечакларин музлатса-да қор,
Қайғу қуюнига бўлиб гирифтор,
Умрбод қилурман шу сўзни такрор:

– Аллох насиб этган мухаббат ҳаққи,
Сизни унутишга йўқдир ҳеч ҳақим!



* * *

Атрингиз айлайди кўчаларни маст,
Сиз юрган йўллардан юрмоқлик шараф,
Рафторингизда элнинг хайрат кўзлари
Одамлар бир тараф, ўзим бир тараф.
Хамон парвойи палак — бепарво
Борасиз, ўртовчи нигоҳ сервикор.
Термулиб қоламан ортингиздан жим,
Ташна вужудим зор, ошно кўзим зор.
Нозик пошналарнинг зарби орқали,
Келишган қаддингиз қалбга миҳланар.
Сиз офтоб мисоли узоқлашасиз.
Сизга мени боғлар тола-тола зар.

Атрингиз айлайди кўчаларни маст...



* * *

Оппок булутларни кўрдим,
Кўрдим қора булутларни.
Қабуларни таъқиб этган
Қўзлари чўғ бургутларни.
Ҳаммасига бағир очиб,
Турган мовий осмон экан.
Билдим, ҳаёт деганлари
Мағлуб, ғолиб жаҳон экан.
Таъқиб экан бир-бирини,
Бир-бирини таҳқир экан.
Ғолибларга тотли экан,
Мағлубларга тахир экан...
Оппок булутларни кўрдим,
Кўрдим қора булутларни.
Қабуларни таъқиб этган
Қўзлари чўғ бургутларни...



ШУ АТРОФДА

Шу атрофда кўриб турай жамолингиз,
Хеч бўлмаса хидлаб юрай шамолингиз.

Бағрим ичра тўлиб турса дейман насим,
Шудир Аллох насиб этар висолингиз.

Ох, бу рохат таърифига сўз етишмас,
Шамол сизнинг қоматингиз — камолингиз.

Қувончимиз тўлишар ой тўлишгандай,
Янги ойдай сизнинг қоши-хилолингиз.

Тағин малол олманг, жоним, бу сўзларни,
Кўнглимизга бўлмаган хеч малолингиз.

Бағрим ичра тўлиб турсин, Фарид, насим —
Хеч бўлмаса хидлаб юрай шамолингиз...



ҲАМКОРЛИК ИЗТИРОБИ

Туйғулар шу қадар тез,
Замонага ҳамоҳанг.
Гоҳи ўйлар шиддаткор,
Гоҳо асаблар таранг.
Дунёдаги ҳар ишга
Қайғурамыз, куламыз –
Қил устида бу ҳаёт,
Лек яшашни суямиз.
Америкалик ҳабашнинг
Рози ҳаммага аён...
Беркина олмас бу кун
Кимнинг бўлса қўли кон.
Қувиб юрар камера,
Кўрсатар дунё бўйлаб.
Нима бўляпти ўзи,
Деб қўямиз гоҳ ўйлаб...
Туйғулар шу қадар тез
Замонага ҳамоҳанг.
Фикр ўчар. Кўз олдингда
Жонланар оқ, кора ранг.
Серошкор бу дунёда
Демак, ҳали сир бисёр.
Ер аҳли орасида
Яшар қанча нобакор.
Кўринмайди у кўзга,
Сизу биздек шаклда.



Хийлалар хар сўзида –
Холи эмас макрдан...
Туйғулар шу қадар тез
Замонага ҳамоҳанг.
Титратар хар имонни
Содир бўлган қирғин — жанг.
Эрталабки хужумдан
Ким ўлган, ким ярадор,
Дунёдаги хар кимса
Бўлиб турар хабардор.
Маълумот шу қадар кўп,
Бовар қилмайди ақл.
Иши оғирлигидан
Давр асабий — сержахл...
Ойнаи жаҳонда
Ялт этган хар битта ранг
Жой топар қонимиздан —
Қалбимизга ҳамоҳанг.



БАЗИЛОЛАР

(«Олтин калит ёки Буратинонинг бошидан
кечирганлари» китобини ўқиб)

Базило мушуклар, тушинг даҳшатга,
Омади кулмоқда Буратинонинг.
Кулатмоқда ўша сиз қуриб қўйган
Ёвузлик маскани — ёвуз бинони.

У энди тушунди, сиз этган ният,
Пуфламок орқали шиширилган шар.
У энди тушунди — халокат кутар,
Бу шарнинг ипидан ушланса агар.

Сохта чакаларга алданган экан,
У олган тангалар эмаскан тилло.
Совун кўпигидек пучлигин билди,
Сизлар ўйлаб топган сип-силлиқ хийло.

Қаранг, Ёғочвойнинг ғайратларига,
Минг бир азобларни тортса-да жони,
Пўкак ул режаларни — пуч мақсадларни
Бузиб, остин-устин қилар дунёни.

Кулатай дейди у сиз қуриб қўйган,
Ёвузлик маскани — совуқ бинони.



УЗУК

Бухорони кўрай деб, бориб мен Андижондан,
Бир узук топиб олдим ул Тоқи Заргарондан.

Айтдим: Кимнинг узуги йўқолган — тилло узук,
Деди: Тушиб қолгандир бирор гўзал жонондан.

Кўнглим бўлмай шаҳарни кезишга тушиб кетдим,
Борму дедим, йўқладим, эгасин хар томондан.

Балки эшитса келар, дея чиқиб мардона,
Эълон қилдим баралла Минораи Калондан.

Ҳеч қайси бир жонона меники демас эди,
Тушиб қолган эди у гўёки хов осмондан.

— Музей, — дедим, топширдим элнинг ихтиёрига
Одамлар кела берди кўргани хар томондан...



САФАР

Йўлга чикдик уч-тўрт дўст,
Сафар шавқи юракда.
Бирдан яёв юришни,
Хохлаб қолиб юракдан.
Шошилишга тўғри келди –
Сабабки бемахаллар.
Орта қолди қанча кишлок,
Қанча-қанча маҳалла.
Сирмас, шунда тунлар изғир –
Итларга биз таландик,
Гоҳ туртиндик, гоҳ суртиндик,
Чангга, лойга беландик.
Қирдан ўтдик. Яна бирдан
Дуч келдик тулкиларга.
Кучайтирдик хазилларни –
Зўр бердик қулгиларга.
Довонлардан ўтар эдик,
Чиқиб қолди бўрилар.
Хайкиришдик улар сари
Йўл солгандик тўғрилаб.
Жуда кизик сафар бўлди,
Қизик, ҳамон йўлдамиз.
– Бас энди, – деб тош-таёқни
Қўймаганмиз қўлдан биз.
Бораяпмиз хушёр хануз,
Бўри, итни қўрқитиб.
Гоҳо-гоҳо учраб турар –
Тулкиларни чўчитиб...



* * *

Кўчангдан неча бор армонлар ўтди,
Эшитдинг, чикмадинг остона ҳатлаб.
Кўнгиллардан тошган фиғонлар ўтди,
Эшитдинг, чикмадинг остона ҳатлаб –
Остонанг олдида армонлар қолди,
Унсиз фарёдлару фиғонлар қолди.

Кўз сен кириб кетган эшикка муҳтож,
Кўнгил ҳам муҳтождир ўша ҳовлига.
Қайтиб чиқ – ёпиқ ул эшигингни оч
Мўралаб бир бора боқкин, майлига –
Остонанг олдида армонлар қолди,
Унсиз фарёдлару фиғонлар қолди.

Мен-ку ўтиб кетгум фиғон деб чикгил,
Мен-ку ўтиб кетгум, армон деб чикгил.
Оқибат, ортимдан ҳайрат билан боқ,
Севгиси оташин инсон деб чикгил...
Остонанг олдида армонлар қолди,
Унсиз фарёдлару фиғонлар қолди.





* * *

Гофирнинг сўзлари янграб кулоқда,
– Оқ иту қора ит, бари бир итдир.
Айтилган бўлса ҳам йироқ-йироқда,
Бу маънога ҳамон дунё шохиддир.
Итнинг итлигига шубхам йўқ менинг,
Одамнинг ит феъл бўлгани ёмон.
Эй кудрат, сенга чин илтижоим шу,
Бундай «бобов»лардан сақлагин омон.

* * *

Боғлар намриқди, оғоч бўлди ҳўл...
Изғирин ел туриб тайғокланди йўл.
Биров шу йўлакдан бормоқда эди,
Йиқилиб ногахон қўли лат еди.
Сўқди изғиринни, сўқди у йўлни,
Йўлни тайғок килиб қўйган «шум» ҳўлни.
Лекин йўл гапларга кулоқ солмади,
Лат еган қўлдаги оғриқ қолмади...



ҚОРАҚУРТ ҚИССАСИ

Қорақурт мард эди, мардона эди,
Сўзи — сухбатлари дўстона эди.
Қимтидан келганди, қўллари чайир.
Елкадор эди у, жуда ҳам биқир.
Ширин сухан эди, гўё қанд эди,
Кичкина бўлсада тўла жуссаси.
Қовоғи чикқанди, кенг пешонаси,
Йигитлар ичида мардона эди.
Сўзи — сухбатлари дўстона эди,
Қорачадан келган осий тан,
Феъл кашф этарди кизикқон баъзан.
Гўёки ёғ томган олов эди у,
Нохакликни кўрса лов-лов эди у.
Нигоҳи ловулар кўз чакноқ эди,
Ялт-ялт этиб чакнаган бир чакмоқ эди.
Йигитлар ичида мардона эди,
Сўзи — сухбатлари дўстона эди.
Бир кун бир даврада сухбат соз бўлиб,
Узоқ ўтмишларга гоҳ парвоз бўлиб
Халқ кечирган ўша ул қонли дамлар,
Нохак изтироблар, ноҳак аламлар,
Ҳақида сўз кетиб эсланди бир хол,
Аёл фожиаси — аччиқ бир завол...
Ватанни севган мард, азиз жангчи,
Хонадонида эди у дам қарангки,
Бир тўп душман уни қидириб келди,
Мақсад мард жангчини йўқ қилиш эди.
Жангчига қайдандир етдию хабар,
Қочиб кетди у бўлмайд тонг сахар.
Хонадонда эса аёли қолди,
Ёри — севган соҳибжамоли қолди.



Душман кела солиб йўқлади мардни,
Хотинга дўқ урди: — Топ у номардни.
Аёл жавоб қилди: — Йўқ, билолмайман,
Қайдалигин ҳатто мен айтолмайман!
Йигирма чоғли ёв судради уни:
Судрашди у дамнинг коп-қаро туни.
Битта яйдоқ отга ортиб олишди,
Узоқ дашт сарига олиб боришди.
Бечора аёлни зўрлашди бари,
Гўёки кимсасиз даштнинг итлари.
Эртасига топдилар... чалажон аёл...
Уйига етмасдан берган жон аёл...
Орага чўмаркан оғир сукунат,
Эшитилар энтиккан нафаслар факат.
Ҳамма йигитларнинг боши бўлган хам,
Ўйи, идроклари бир нуқтада жам,
Юракни нимталар таърифсиз алам.
Ўтирган жойида Қорақурт шу он...
Ярқ этди қўлида пичоқ ногаҳон!
Шундай сўзни айтган бўлди ўша дам:
— Барини сўярдим агар мен бўлсам!
Устихон тозалаб турган у пичоқ,
Қорақурт бўғзидан ўтганди шу чоқ.
— Барини сўярдим агар мен бўлсам!
Қорақурт шу сўзни рост сўзлаганди,
Ўзини ўзи у бўғизлаганди.
Шундоқ, зиёфатда тўкилди кони,
Орият деб узилди Қорақурт жони...
Йигитлар ичида мардона эди
Сўзи — сухбатлари дўстона эди.
Қорачадан келган у ўзбеки тан,
Феъл кашф этарди қизикқон, баъзан...



ЕТТИ РАНГ ВАСФИ

Етти рангни кўролмасдан кўнглим эди оворалар,
Етти рангнинг орқасидан жилва қилди фавворалар.
Қоялардан қуйилгандай тиниқ шўх-шўх шалолалар,
Юрагимга куйилиб чўғ шуълалар — чўғ шароралар,
Кўз олдимда жилва этди олис, нурли сайёралар.

Етти ранг, сен англаттирдинг менга дунё — жахон
надур,
Ёлғон-ёлғон сахро надур, ёлғон-ёлғон бўстон надур.
Битта сўзни ёдлаб олган тўти надур — хушхон
надур,
Рост маънода инсон надур, рост маънода шайтон
надур,
Ошкор бўлиб колди бирдан қанча-қанча айёралар.

Фурур нима, хорлик нима, фош бўлди-ку
киборларда,
Жуда кизик кўринди-я покизалик ғуборларда.
Қишнинг аччиқ изирини туриб қолса баҳорларда,
Ким ҳам музлар эриб тамом бўлган дейди
анхорларда,
Эй етти ранг, кўпдир хали бу дунёда бечоралар...

Бир умрга дардим бўл сен, бир умрга дармоним бўл,
Хаёт деган узок йўлда нур таратган қарвоним бўл,
Тўғри йўлга етаклагин, соф ниятли сарбоним бўл,
Омон борай Фарид, манзил томон доим посбоним
бўл,
Фақат сендан умид қилиб яшар мендек оворалар...



ОТЧОПАР

Отчопарнинг адирлари баланд-паст,
Баланд-пасту адирга ҳеч ўхшамас...
Бир томони кўз илғамас яшил боғ,
Бир томони ҳали ҳозир кенг ўтлоқ.
Кўриб уни ҳеч ким демас бу адир,
Сабаби теп-текис эрур ёнбағир.
Адир бўлиб харорати йўқ унинг,
Адир деган малоҳати йўқ унинг.
Осмонида тўрғай сайрар кири йўқ,
Буғдойзорлар дейилган тасвири йўқ.
Ён бағрида йўқдир қўю қўзилар,
Лолазор йўқ ёнбошлаб бир чўзилар.
Бағридаги мўъжаз кишлок кўп хароб,
Лекин ўша еру ўша офтоб.
Сувлар сизиб хонадонлар нураган,
Кўплар бундан кўчиб кетган — жўнаган.
Бокиб дейман: Не манзара, не хол бу?!
Юрак эзар — ачинарли аҳвол бу!
Бу аҳволнинг гуноҳкори кимлардир?
Одамлари кимлар дея имлайдир...
Имлашару жим қолишар тишлаб тил
Чунки танда туйғу ғофил, ўй ғофил.
Бу тупроққа жавобгарлик ҳисси йўқ.
Бўлса бўлар дейилади — кўнгил тўқ.



Дейман қараб: Ох бечора адирлар,
Қани сизга эхтирому кадрлар?
Қайроқ буғдой унар тупроқ эдингиз,
Энди эса не ахволга келдингиз?
Айта берсам адо бўлмас кулфат бу,
Ўйласангиз ёлғондир бу – тухмат бу.
Йўқ, ундаймас, ундай эмас, ундаймас,
Отчопарнинг адирлари баланд-паст,
Бугун улар адирларга ўхшамас...



АХЛОҚ КОРХОНАСИ

Чиқиндилар чиқар, буюмлар чиқар,
Ишлаб чиқаришнинг «корхонаси»дан.
Шундай: меҳнат давом этар одамнинг
Ахлоқ деб аталган «ишхонаси»да.

Ҳаммамиз биламиз, яхши англаймиз,
Шу ўринда буюм эмас-ку инсон.
«Сифат белгиси»ни олган фазилат,
Лек яроқсиз бўлиб қолгани ёмон.

Оқибатни кўриб биз, излаймиз сабаб,
Уни на жарима, жазо тўғрилар.
Натижага қараб туриб мўлтираб,
Деймиз: Ана улар, яна ўғрилар.

Мавзу топилганига шукрона айтиб,
Яна аввал бошдан бошлаймиз сўзни.
Мажлислар қиламиз неча бор қайтиб,
Дахою донишманд кўрсатиб ўзни.

Гўёки энг гавжум катта шаҳарнинг
Бир ишлаб чиқариш корхонасидай.
Меҳнат давом этар доим одамнинг
Ахлоқ деб аталган «ишхонаси»да.

Бунда мукофот бор, бунда ёрлик бор,
Бунда ҳукм сураб таниш-билишлик,



Ўн учинчи ойликдан қолмаслик учун,
Зарур юқорига яқин бўлишлик.

Ишлаганлар ишлар — ялқовга ялло,
Қун кеч бўлса бас, пул чўнтакка ўтар.
Мазза шуларники, саломатлик деб,
Хар уч ойда курортга кетар.

Беш қўл баробармас — халқ хикматидир,
Ишлар давом этар шундай зайлда.
Минг, миллион одам бор жойда осонму,
Хар инсон кечолмас қўнгил майлидан...

Бу битта ташбех ё шунчаки бир гап,
Хукм этиш эй шеърхон, сизга ҳавола.
Қаршингизда тик туриб узр сўрайин,
Қойил қилолмаган бўлсам мабодо...

Чиқиндилар бордир, буюмлар бордир,
Ишлаб чиқаришнинг «корхонаси»да.
Шундай: Мехнат давом этар одамнинг
Ахлоқ деб аталган «ишхонаси»да.



ТҶҰРТЛИКЛАР

Кексалик

Кексалик келибди, сочингда қиров,
Деб огоҳ этса ҳам майлига биров.
Сочарман қалбимнинг ўтин борича,
Кексалик бўлолмас орзуларга гов.

Сиёҳдон


Сиёҳдон оширар ўз бардошини,
Ручка бир урса-да наштар бошини.
Кимнинг кайғусидан қорайди қоғоз,
Айтиб бер, ким тўкди кўздан ёшини?!

Умр

Акс этиб яшашнинг бўёқларида,
Ўтаркан сўрамай биздан ҳеч изн,
Бу рангин ҳаётнинг сўқмоқларида
Қолдириб боради чопкир Умр изин.

Йўл

Умрингда ҳеч қачон юрма пастликка,
Пастлик олиб кетар пастликка қараб.
Паст аталиб қоласан юксакликка
Эришсанг ҳам, сен пастдан юқорилаб...





ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(Ғафур Ғулом ғазалига мухаммас)

Шуълалар янглиғ сабрсиз эрди оромим менинг,
Бесабрсизликда кечарди субх ила шомим менинг.
Минг шукрларки ушалди ишқ деган комим менинг,
Оташин ишқдан тўликдир доимо жомим менинг,
Соядек ёнимда ёндош дўстим илхомим менинг.

То хаёт борича бу тўлкин юракда тўхтамас,
Тинглаётган сен кулоғинга етиб турган бу сас,
Кўз камаштиргувчи нурлар сўзлаётган бу нафас,
Шон қуёшим шуъласидан бу тўкилган дур эмас,
Зар балиқлардан умидвор ташлаган домим менинг.

Ой мисол ойдин бўлур дўст сенга ҳам албатта ҳақ,
Истасанг жону таниннга ҳар нафас ўтли фарах,
Ҳар сўзим маъносини гўё бодомдек асра, чақ,
Бу ғазални ёдлаб олу гулни ўз чакангга тақ,
Мингта ошиқ мингта маъшукларга инъомим менинг.

Яхшиларнинг хушлигин ҳуш чоғини хўп қуйладим,
Яхшисин — ёлғиз қўнгил ардоғини хўп қуйладим,
Умр саҳросин эмас гул боғини хўп қуйладим —
Умрнинг тонгин кун ўрта чоғини хўп қуйладим,
Нурли мисраларни кутгай бахтли оқшомим менинг.



Қўлларингдан тушмасин асло бу гул юз йилгача,
Кулги умрингга умр қўшгуси, кул юз йилгача,
Ушбу дўстона ўғитни англа, бил юз йилгача,
Юзга кирмоқ мўлжал олсанг сабр қил юз йилгача,
Қирқ ўғил киз бибидир гул гуландомим менинг.

Шеърларим озод бу халқимнинг буюк меҳрига ром,
Шул сабаб мухлисларим дейди Фарид илгида жом,
Доимо минбарда саксон ёшдадурман Ассалом —
Тошкент окшомин ёзиш ният эди, хуллас калом,
Шеър ёзмокқа фаранг Фафур Фулом номим менинг.



БОҒ СУВЛАРИ

Тонг чоғи чаман булбули ваҳ сайради бийрон —
кулгуда гўзал боғ,

Тонг булбули кулгусида ором олади жон —
туйғуда гўзал боғ.

Боғ ичра баҳор сеҳри ажаб тантана қилган, —
гул ғунчаси кулган,

Боғ ичра баҳор сувлари ўйноқлади ҳар ён —
кўзгуда гўзал боғ.

Боғ хуснини сув мавжида — рост авжида кўрдим
сувлар жуда лим-лим,

Сув қилди чиройини баҳор чоғи намоён —
у жуда гўзал боғ.

Боғ кўркига боғбон элининг меҳнати сингган,
ҳар ишда билинган

Қалб кўрини боғ бағрига кўп айлади эҳсон —
орзуда гўзал боғ.

Боғ сайри, баҳор сайри Фарид кўнглини очди,
гул атрини сочди,

Гул атри бу тонг булбулини қилди ғазалхон —
кулгуда гўзал боғ.



НЕ БЎЛДИ?

Ул боғ ила бўстон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул гул тўла ошён қани, эй ёр, не бўлди?
Ул давр ила даврон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Фикрим сени ёдинг эди ҳар эртаю ҳар кеч,
Кеч демадинг, дилдаги орзу нимаки кеч,
Хайрон сира қолдирмаю мушкулни ўзинг еч,
Кеттим мен хайрон эшигингдан, демадинг ҳеч:
Ул телбаи хайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Лутф айламадинг, зарра вафо кўзламадинг, ох,
Ўзим дединг, аммо мени ҳеч ўзламадинг, ох,
Аччиқ эса-да сўз демадинг, тузламадинг, ох,
Жонимга даво сўзинг эди, сўзламадинг, ох:
Жон дардига дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Билмам, не вафосизлик ажаб йўлини тутдинг,
Хижрон йўлида қолдима, сарсон югуртдинг,
Шайдойи Фаридингни жазолашга буюртдинг,
Мундоқму эди аҳдки, Бобирни унутдинг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?



* * *

Сочларингни сийпалай кўзларга суртиб толасин,
Кўй дема, ранжитма жонон мен — ғарибнинг
боласин.

Иккимиз, йўк, икки олам оқибат ғарқ бўлғуси
Шашқатор этсам — оқизсам кўз ёшимнинг жоласин.

Арзи-хол этсанг сени ҳеч тингламаслар кўп эрур,
Тинглагин энди ўзинг шайдойи кўнглим ноласин.

Аслида шафқат кутиш бегоналардан расм эмас —
Йўкламай кўйди жиян хатто кадрдон холасин.


Эй нигор, шайдойи дил гўёки пайхон лолазор,
Кил томошо мунғайиб қолганда кирлар лоласин.

Юзларингдан зор Фарид, раҳм айла, тўйгунча ўпай,
Сочларингни сийпалай кўзларга суртиб толасин.



* * *

Мен агар ёдинга тушсам
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Хўрсиниб сокин, хотиржам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Сен мени ёд айлаган дам
Мен сени ёд айласам,
Кетма-кет хатларни ёзсам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Эй нигор, зор-зорлигим ҳам,
Сенга интизорлигим,
Хатларим сатридадир жам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Яхши ниятлар ила,
Тарқалур шунда алам-ғам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Ўсмалар қўй қошларинга,
Сурмалар сурт кўзинга,
Айб эмас пардоз ҳеч ҳам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Йўқ бу хил соғинч жаҳонда,
Чунки бундай севги йўқ,



Кошки бир сочинг силолсам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.
Рост, Фарид ёдингдадурман,
Жонгинам, ёдимдасан,
Хўрсиниб сокин, хотиржам,
сочларингни майда ўргин,
сочларингни майда ўр.





МАШШОТА

Бу оламнинг безаклари ўзимиз,
Бу оламнинг безаклари сўзимиз.
Лекин афсус, сўзимизни англаш йўқ,
Кўзимизга назар қилмас кўзимиз...

Машшота қани, йўқолди машшота бу кун,
Дўстлар эса бир-бирига тош отар бу кун.

Фитна-фасод бозорлари авжида,
Жилваланиб тиник сувнинг мавжидай,
Уялмайди ҳеч ўзидан замона,
Шаддод бўлиб кетганми-я, у жуда...


Машшота қани, йўқолди машшота бу кун,
Дўстлар эса бир-бирига тош отар бу кун.

Айта берсам, дардлар кўпу дармон йўқ,
Юрак ҳам бор, лек юракда армон йўқ.
Интиламиз, чопкиллаймиз олдинга,
Вожабо, тирмашганда довон йўқ...

Машшота қани, йўқолди машшота бу кун,
Дўстлар эса бир-бирига тош отар бу кун.

Адолатли ҳакам, безак бўл энди,
Эй кадрдон акам, безак бўл энди,
Умрим бўйи излаганим шул Фарид,
Майли бўлсин кам-кам, безак бўл энди.

Машшота қани, йўқолди машшота бу кун,
Дўстлар эса бир-бирига тош отар бу кун.
Машшота қани?!.





ЮРТИМИЗ ДАРАХТЛАРИ

Тераклар қатордир
бизнинг юртларда,
Анхорлар бўйида
саф тортган улар.
Фарзандин узокка
кузатиб қолган
Улар — ота-она,
улар — бувилар...
Теракмас йўк, йўк —
дарахтмас улар
Фасллар бағрида
мунис, беозор.
Кекса боболардир,
кекса бувилар,
Урушдан қайтмаган
ўғлонларини.
Хамон кутишади
туришиб қатор.



* * *

Рахнамо, қайдасиз, дўстим рахнамо,
Йўлини тополмай хайрондир шоир.
Шеъри ҳам унинг шу ҳолатга доир:
«Йўлни не билгай киши то рахнамо кўрсатмағай».
Шоир тўрт кўчанинг бошида хайрон,
Жовдирар тўрт ёнга мисоли жайрон.
Илтижо қилар у, дил тўла армон:
Замон адаштирган шоирга мушкул.
Даврон адаштирган шоирга мушкул,
Дер Бобур жанг билан бўлса-да машғул:
«Йўлни не билгай киши то рахнамо кўрсатмағай».
Мен Бобур бўла олмам, шоҳ бўла олмам,
Лекин юрагимда бир дунё алам...
Кўчалари тўсик оламда мен ҳам,
Изҳор этиб қолай битта қайғу-ғам:
«Йўлни не билгай киши то рахнамо кўрсатмағай».

Рахнамо, қайдасиз, дўстим рахнамо?!



МАҚОЛ

Бировлар тартиб дер, интизом деяр,
Аюханнос солар юксак минбардан
Залда интизомни саклаб ўтирган,
Кишилар бўлади бу гапдан зада.
Мажлис давом этар узундан-узун –
Интизомга боис, тартибга боис.
Огоҳлантирилса ҳамки уззукун,
Идрок ўзгармайди, ўзгармайди хис.
Сабабки, сўз бошқа, бошқа эрур иш.
Шунинг учун халқ айтар мақол бор, бешак:
– Яхшидир илмига амал қилмасдин,
Устига бир Қуръон ортилган эшак...



ЁЛҒИЗ ҚУШЛАР

Шоир укаларимга

Чарчашни билмайди чаман қушлари,
Қувнок чакчақлашар бўстонлар аро.
Бири ёнингизда куйлайди шундок,
Бири олислардан беради садо.
Навбатсиз куйлайди, сира тўхтамас
Булбуллар, қарғадир, тўти ё какку.
Бири завқ нелигин билмас тўпорн,
Ҳассос юрак каби бири сертуйғу.
Турфа хил хонишлар — «йўғон, ингичка»,
Гоҳо оҳорлигу, гоҳо оҳорсиз.
Бўстон тинглаётган бу овозларнинг
Орасида бир овоз бор ёлғиз.
Баъзилар лек минг хил овозларга маст,
Шовқиндан излайди руҳига ором.
Уларнинг бу қадар таъбсизлигидан,
Шарафга кўмилар куйчи деган ном...
Ўкинманг, эй менинг ёлғиз қушларим, —
Ўкинманг, эй менинг ёлғиз хонишим.
Шовқин шовқин эрур, наво бўлолмас,
Куйлайберинг ёниб, қолиб кетманг жим.
Негаки, сизнинг бу оҳангларингиз
Идрок қадар мутлақ, хис қадар бокий.
Ажабмас, жой берса қутлаб номингиз,
Куйчилар қасрининг рангли пештоки.



Хотирда йўқман деб олманг хавотир,
Ўқинманг, эй менинг ёлғиз қушларим.
Минг хил қуш бир овоз бўлиб турганда
Ҳаққингиз йўқ сира туришликка жим...
Чарчашни билмайди чаман қушлари,
Доим чакчақлашар бўстонлар аро.
Бири шод куйлайди, чунки шод бири,
Бири танхо куйлар сал мотамсаро.



ИККИ ҚАҲРАМОН

Саратонни хўплаб-хўплаб ўтганмиз,
Ўпкамизни тўлдирганмиз оташга.
Темур Малик авлодимиз аслида,
Жон тонганмиз жонни тикка ўрташга.
Қаҳратонни сипқорганмиз тик туриб,
Эритганмиз юрак аро музларни.
Қаҳратону саратонда жам қилиб,
Жалолиддин олиб юрган бизларни...

ТИТРОҚ

Яшил майсазорда оқшом махали,
Шилмишиқ нарсага теккан каби қўл,
Шу бугун – қушпа-қундузи, қаранг,
Вужудим сесканди – титрадим бир йўл.
Мени сескаптирган бу қадар қаттиқ
Шу қадар титратган диёнат эди –
Рақиблик шиорин юкори тутган,
Дўстини хароб этган хиёнат эди.



ИНСОН ЮЗИ

Инсон юзн пўлат янглиғ, мустахкам-метин,
Изғирину иссиқларга бардошлар берар,
Унга қараб гармселлар елади бетин,
Ёмғир билан, қорлар билан юзма-юз келар.
У ок эрур, қора эрур, гоҳ чўтир, текис.
Гоҳ чиройлик, гоҳо хунук, гоҳ иссиқ, совук.
Гоҳо кўзга хов қорайган тошдай кўринар,
Гўёки у пишитиб қўйилган чирмовук.
Кўзингизга кўзи билан тикилиб туриб,
Кеча айтган сўзларидан тона олади.
Кўкаради, қизаради — минг тусга кириб,
Кўра олар, афсуски, на ёна олади.
Ийманишин қаранг унинг, «ўн саккиз ёш киз»,
Танхо бўлиб кўринади ахлоқ бобида.
Бу сабоқни у қай жойдан ололган дерсиз,
Ўқиб ўргангандир шайтонлар китобидан.
Беандиша эрур эвоҳ, сурдир ҳам сукдир,
Тумтаяди, бир холатда тиржаёиб турар.
Шунинг учун ҳам донишманд халқ орасида,
«Инсон юзин ит емайди» деган гап юрар...



ЯНГИ БОЙ

Кетиб борар эдим бир кўча бўйлаб,
Кўриб қолдим катта хашаматли уй.
Қаранг, беихтиёр юбордим сўраб,
– Бунда яшар қайси бой?

Айтдилар:

– Бой эмас, буржуй хам эмас,
Шунчаки бир оддий катта амалдор.
Иморатга бокиб қолдим бир нафас,
Ёғоч, кенг дарвоза роса нақшиндор.

Халқ давлатининг бир амалдори
Шундай яшарми деб ўйланиб қолдим.
Кечиринг, сиз мени, ушбу кошона
Шоҳлар саройидай... хаёлга толдим.

«Қанчалар юқори бўлмасин маош,
Бундайин сарфга этмас-ку бардош...»

Хаёлга фарқ бўлиб кетиб бораман,
Уйлардан ажралиб туради бу уй.
Ушбу калимани дейман дафъатан:
«Бу янги бой экан, бу янги буржуй».



БОҒЧА

Олдинда қувончлар тизмаси қатор,
Ортимда қайғулар қатори саф-саф.
Ажабо, уларни туташтираман,
Улар бир тараф-у, ўзим бир тараф.

Бекор этмоқ қийин ошноликни,
Улар ҳам бекор кетмас сира ҳам —
Хар бир ёмонлиг-у, хар яхшилиқни
Кўришликка маҳкум яшаркан одам.

Тортган ғамларимни бир тоғча десам,
Кўрган шодлиқларим бир тоғча бордир.
Ўтиб кетган умрим чўл — сахро эса,
Унинг этагида бир боғча бордир.

Шудир атаганим яхшилар учун,
Келажак авлодлар асрар, авайлар.
Унда томоқ кирар қарғалар эмас,
Унда ҳуш овозли булбуллар сайрар.



* * *

Вақтичоғлик деган гуллар очилмиш,
Ақл деб айтилган бир гулзор аро.
Ундан ҳар сония атр сочилмиш,
Эркалаган дамда майин шўх сабо.
Юринг, дўстлар, ўша гулзорга юринг,
Муаттар шодликдан маст бўлиш учун.
Алвон чечакларни кўриб улгуринг,
Сизни айласин у бир умр мафтун.
Вақтичоғлик деган гуллар очилса,
Ақл деб айтилган ул гулзор аро.
Ахир бу хушхаёт мунавварлашиб
Яна майинлашар майин шўх сабо...



БЎРИ УЯСИ

Бир бўри уя бор, даҳшатдир коми
Овоз чиқарса у – увласа агар.
Кундуз ҳолатини айтмоққа тил лол,
Окшом қалтирайди, титрайди сахар.
Овоз чиқарса у, қуяди қуёш,
Тунлари самода ой бўлиб сопол.
Бир оғиз сўз учун дармон тополмас,
Бехол бўлиб қолар, коннот беҳол.
Ажабо, қудратин йўқотиб олам,
Унниг қаршисида тошдай қотади.
Тўплаб олиб қайғу, тўнлаб олиб ғам,
Бўри уясида ўлим ётади...



* * *

Бизни тун бирлаштиродур, жонгинам,
Ўлборурман сени кундуздан сўраб.

Сен билан ўтсам-да, йўклайман мудом,
Хар баҳор, ёз, қишдану куздан сўраб.

Дейман: ул ёри нигорим кайдалар,
Хар куни бир жовдирар кўздан сўраб.

Бизни тун бирлаштиродур, жонгинам,
Ўлборурман шунга кундуздан сўраб...





ЯПРОҚСИЗ ДАРАХТЛАР

Келдию куз, дов-дарахтни коплади оппоқ киров,
Ун сешиб кўйган каби борликка билдирмай биров.

Қалтираб тонг отди — куннинг совкатиб турганли-
гин,
Кўрди, бир йўл иситай деб чикди ул офтоб — олов.

Ризқ деб инсон, бормайин иссиқ-совуқнинг фаркига,
Йўлида не учраса тортинмади ҳеч, солди чов.

Окса-да тўлиб-тошиб жўшқин ҳаёт дарёсида,
Этмас у нопок учун покиза виждонни гаров...

Кимгадир берди ҳарорат, кимнидир куйдирди-я,
Коинот ичра кезаркан лаҳза ёнган бу олов...

Мен эсам кўрдим, Фарид, осудалик куз фаслида —
Барча япроқсиз дарахтни коплаган эрди киров.



ҚИШЛОҚ

Оқ тераклар барғи офтоб нурларида ялтирар,
Оқ тераклар барғи окшомда шамолда қалтирар.

Шаршара янглиғ шовуллаб бари барғ хуш тил ила,
Қанчадан-қанча гўзал афсона, эртак айтдилар.

Неча кўнгиллар бу барғлар сеҳрига ошуфтадир,
Неча кўнгиллар унинг хузрига бормаи қайтдилар...

Оқ тераклар барғига мен не учун қайғурмайин,
Ногаҳоний елга бағрини берибон ўтдилар.

Оқ тераклар барғлари топ-тозаю хам тин-тиник,
Қанча-қанча абру пайсонлар уларни артдилар.

Бир узоқ олис сафарли йўлга отландинг, Фарид,
Оқ тераклар барғлари — хуш бор дадил — қўл
силтдилар.



НЕТАМАН

Мен сени минг бир хаяжонда кутаман,
Лек хаяжонимни ичимга ютаман.

Бу нима ҳолки, ниманинг сир-асрори,
Лахзага ўзимни ўзим унутаман?!

Қўлдаги гулдаста эмас, жошим эрур,
Бил, сенга гул ўрнида мен жон тутаман.

Ол, бу гулимни, гўзалим, олгин, ол,
Гулни агар олмасанг ўздан кетаман...

Қўриб Фарид холини, хотиржам, дема,
Мен сени минг бор хаяжонда кутаман.

Лекин хаётим бу, бу менинг умрим —
Ох, бу хаяжон бўлмаса нетаман?!



ГУЛЗОР

Шодлигим дунёча бисёр дил аро,
Ғамларим ҳам гоҳида бор дил аро.

Йўқ вале айтмоққа имконим менинг,
Қанча шафқат, қанча озор дил аро.

Изтироб — ҳузру халоватдир, қаранг,
Сабру тоқатли бу шункор дил аро.

Ғамгаю шодликка тоқатлар қилар,
Чунки бор-да орият — ор дил аро.

Ҳеч хазон ҳолатни асло кўрмайин,
Номус отлиғ эзгу Гулзор дил аро.



ҒАРОЙИБЛИК

Кўп ажойиботдир, ғаройибдир бу дунё ишлари,
Хеч адо бўлмас унинг хайратлари, олқишлари.
Гоҳида хайрон қолурман ҳар томон ташлаб назар,
Бир-бирига ўхшамайди уй ва ўрмон қушлари.
Нодир итсан-ку деган эрдим кучукни ногаҳон,
Кўп ҳазиллашма деган янглиғ аямай тишлади...
Эрта тонг бошланса бас, сўзлайди туш доим бувим,
Хеч адо бўлмас, – ажойибдир бувимнинг тушлари.
– Жон ая, – дейман, – қачон бизлар курортга
борамиз,
Дейдилар: Қўй, сўзлама, йўқлар дадангнинг
хушлари.
Бир қора қўнғизни кўргандим тунов кун кўчада,
Ховлимиздан кеча ногоҳ тилла қўнғиз ушладим...
Гоҳида онпоқ соқолини силаб дерлар бобом:
«Кўп ажойибдир, ғаройибдир бу дунё ишлари».



ДАРЁГА

Дардларимни сола солгин, сола сол,
Эй оқар дарё, менинг дардимни ол.
Дардларим учсин – йўқолсин, ўчсин,
Сен олиб кетгин уни мисли шамол.
Бу қадар меҳр-оқибат йўқ даврда,
Эй оқар дарё, меҳр созини чал.
Коматим, қаддим менинг ҳам бор эди,
Дард алиф қаддимни айлаб қўйди дол...
Илтижо қилмоқда сенга, илтижо,
Мунғайиб қаршингда турган битта чол.
Диллашиб қолдим Фарид танҳо қолиб,
Эй оқар дарё, ўзинг дардимни ол.



ҚИЗИЛ ГУЛЛАР

Балки бизнинг гуноҳлардан хижолатсиз, қизил
гуллар,
Биз айлаган «оҳ-воҳ»лардан хижолатсиз, қизил
гуллар.
Хижолат айлаган сизни, балки бизнинг бу тавбалар,
Биз излаган паноҳлардан хижолатсиз, қизил гуллар.
Кўриб туриб зулмларни, кўриб туриб зуғумларни,
Бу қуллардан, бу шохлардан хижолатсиз, қизил
гуллар.
«Олиб қолгин» дардларига бўлиб қолган мубталолар,
Тўймаган оч арвоҳлардан хижолатсиз, қизил гуллар.
Уяласиз, юзларингиз кип-қизил-а, вожабо,
Балки бизнинг гуноҳлардан хижолатсиз, қизил
гуллар.



ИЛТИЖО

Минг бир хил оҳангсан, Яратган Эгам,
Минг бир хил қушдирсан яшнаган боғда,
Сени ҳис айладим майин шамолдан,
Жонландинг, жилвалар қилиб япроғда...
Ўйласам, ўзингсан жонимга ором,
Ўзингсан безовта руҳимга таскин.
Ажаб, гуноҳимни мағфират эт деб,
Яна ялинаман, ўзингга секин.
Эй япроқ, Эгам сен, эй хониш, Эгам,
Ўзингга минг шукр — идрок, хиссимсан.



ҲАМОН

Кимдир қоронғида бўлдию шарпа,
Кимдир қоронғида ғўнғирлаб қолди.
Ўзини хиёл у сездирган бўлди...
Ажабо, бир лаҳза ўтмай йўқолди.
Тириклик ҳақида хаёлга толсам,
Шу ҳолат ўйимда бўлар намоён.
Яшамоқ дегани шарпа эканин,
Англаб етармикан дейман ҳар инсон.
Гўё ғўнғир-ғўнғир ўтиб кетамиз,
Аммо қоронғилик қолади омон.
Кимдир қоронғида бўлару шарпа,
Кимдир қоронғида ғўнғирлар ҳамон...



* * *

Куюнчак дўстларим — чириллар чумчук,
Чиркирар — безовта, чиркирар яккаш.
Балки нўхатча ҳам эмасдир жони.
Лекин вужудида бир жаҳон оташ.
Ўзини қўярга жой тополмайди,
Питирлар, питирлар куйканак бу жон.
Қарайман, унинг харакатларида,
Яратган Эгамнинг қудрати ниҳон...
Аллоҳга шукрона айтаман, дейман:
– Уни тирик этган ўзингга раҳмат!
Чумчук чирқирашин тингламоқлик ҳам
Ёруғ олам аро буюк саодат.



* * *

Севарман ўла-ўлгунча эмас, хаттоки ўлсам ҳам,
Ўлиб бу коп-қаро ер бағрига бир кун кўмилсам ҳам.
Севарман киш ўтиб, бир кун баҳор ёмғирлари ёккач,
Қабрдан лолалар тимсолида сенга кўринсам ҳам.
Агар-чи йиғласа осмон, унн сен кўз ёшим билгин,
Севарман сел ювиб қабримни — тошқинга
кўмилсам ҳам.
Тасодиф бўлса, теп-текис қнлиб ташлашса қабрим
гар,
Севарман кўзларинга ер қаби текис кўринсам ҳам.
Хаёт тургунча севгимни, Фарид, чин асрамоқ
бурчим,
Севарман ўла-ўлгунча эмас, хаттоки ўлсам ҳам.




* * *

Одамзод бахраманддир завқ олиб доим гулистондан,
Ва лекин сесканар у, негадир доим гўристондан.
Тушунмам, қалбимизда не учун бу икки туйғу жам,
Ханузки беҳабардурмиз муаммодан — бу чистондан.
Бу бўстонни гўристон бўлмаган деб, рост,
ким айтолғай,
Гўристонлар яралган, эҳтимол, ҳар яхши бўстондан.
Аёндир ўзига, дўстлар, аёндир ўзига олам,
Яралгандир, бу олам қатма-қат минг қатма-қат
жондан.
Гулистону гўристон фаркига борган у дунёда
Гадони фарқ этолса кошки эрди шоҳи султондан...
Фарид, тупрокка термулгин, гулистон шаклида
кулган,
Хабардор айла дўстларни топишмоқдан —
бу чистондан.

* * *

Карахт бошлар, карахт бошлар,
Билолмам қайгадир бошлар...
Бу хил боши карахтлардан,
Жамият ёнга ёнбошлар...





СЕНГА НИМА?

Сенга хайрона бўлсам, сенга нима?
Дили вайрона бўлсам, сенга нима?
Ахир сен, сен эурсан, мен-чи менман,
Куйиб сўзона бўлсам, сенга нима?
Қадамларингга етмоқ мушкул сенинг,
Пойи остона бўлсам, сенга нима?
Тушунса кошки деб кўзлар тикиб гоҳ
Кўзи гирёна бўлсам сенга нима?
Кўясанму келтириб парвойингга,
Севиб девона бўлсам, сенга нима?
Ягонасан, яккасан хусн ичра сен,
Суюб ягона бўлсам сенга нима.
Фарид, англаб, шуни идрок айладим,
Сенга хайрона бўлсам, сенга нима?



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ


Ассалому алайкум — раҳмат,
Ассалому алайкум — рағбат.
Ассалому алайкум — барокат,
Ассалому алайкум — саодат,
Ассалому алайкум — муҳаббат.

Парвардигор, номингга қутлуғ,
Қутлуғ бу каломингга қутлуғ,
Ато этган комингга қутлуғ,
Бу қутлуғ инъомингга қутлуғ,
Мўминларнинг дилидаги туғ —
Ассалому алайкум — муҳаббат.

Ассалому алайкум бор бўлсин,
Хар бир мўмин қалбига ёр бўлсин —
Юраклар яшнаган баҳор бўлсин,
Ассалому алайкум такрор бўлсин,
Бор бўлсин, бор бўлсин, бор бўлсин,
Ассалому алайкум — муҳаббат.

Кимки саломсиздир мўмин эмасдир,
Мўминман деса-да, бил, чин эмасдир,
Унга саломсиз кун кунмасдир,
Мўминлар саломсиз юрмасдир,
Ассалому алайкум — муҳаббат...

Ассалому алайкум — раҳмат,
Ассалому алайкум — шафоат,
Ассалому алайкум бир-бировга
Меҳр, муҳаббат ва шафқат —
Муҳаббат у, муҳаббат у, муҳаббат.





ОҚ, ПУШТИ ГУЛЛАР

Оқ, қизил, пушти гуллар,
Боғимизнинг чечаклари.
Турли-турли айтилаётган
Сиз заминнинг эртаклари.

Туриб ҳар тонг Сизни тишглаб,
Шукронамни этиб изҳор.
Айланадан атрофингиз,
Ҳидлаб-хидлаб такрор-такрор.
Ёришади кўнглим чунон,
Равшан тортиб мисол қўёш.
Ўйлайманки, сизлар борсиз,
Кекса олам ҳамиша ёш.
Оқ, қизил, пушти гуллар,
Боғимизнинг чечаклари.
Парвардигор ато этган,
Кўнглимизнинг эрмаклари.



* * *

Яхши кунлар, жуда ҳам озсиз,
Саноклисиз бармоқлар қадар.
Афсусланиб қоламан сизнинг
Қадрингизга етмай ҳар сафар.
Кунларимни Парвардигорим,
Шундай қилиб яратган экан,
Миннатдорлик изҳор этайин,
Шукроналар айтиб дафъатан.
Яхши кунлар, яхшисиз доим,
Яратганнинг иноятисиз.
Суйганидай майин, мулойим
Фариджоннинг шафоатисиз...



МУБТАЛОЛАР

Мубтало бўлганлар «бер, бер» дардига,
На бўлғай бу холдан этсангиз хазар.
Шер ғорда очидан ўлиб ётса-да,
Итнинг сарқитига солмагай назар.
Сиз эса сарқитга кўз тикиб олиб,
Ошнолиғ этасиз балохўрларга.
Кўз тикиб қолгансиз фақат сарқитга,
Қараб ҳам қўймайсиз, шомга, сахарга.
Фақат молу дунё, бойлик деб қолар,
Одамийлик кетса идрокдан агар.
Мубтало бўлганлар «бер, бер» дардига,
Сизни учратганда дейман, «Алҳазар»!



КЎНГИЛ КЎЗИ

Очилар бўлса агар кўнгил кўзи,
Очилибди деб атангиз, гул кўзи.
Ваҳки, кўп ҳолатда лек гумроҳмиз,
Қийналурмиз очилур деб дил кўзи,
Илму маърифат агар бир гул эса,
Гул эмасдир кўрмаса булбул кўзи.
Маънавият юксалар юртлар аро,
Ҳеч юмуқ қолмайди хар мушкул кўзи.
Кўзму бу ёки тешиқ деб сўрадим,
Чошгоҳда очилармиш қул кўзи...
Эй Фарид, имконият чексиз эрур,
Очилар бўлса агар кўнгил кўзи...



МАЙСАЛАР

Саловот айтиб чиққан гиёхларни ногаҳон
Баҳор чоғи билмайин босдим, гуноҳ айладим.
Бу ҳол содир бўлганди тангри инояти-ла,
Афсус айладим сўнгра, гарчи эвоҳ айладим.
– Ўзинг кечиргин Эгам, ўзинг кечиргин, Аллоҳ,
Дедим, майсалар юзин сийпаладим тонг-сахар,
Майсалар эса дув-дув кўз ёшларини тўкиб,
Изҳори хуш мухаббат килишарлар ҳар сафар.
Саловат айтиб чиққан майсаларни ногаҳон,
Босиб олмай дейману эҳтиёткор бўламан,
Аллоҳнинг бу раҳмати баҳор чоғи боғ кезиб,
Тириламам минг бора, минг бора гоҳ ўламан...



ЭГАМ

Хуршиди аъзам Эгам, шоҳи муаззам Эгам,
Ҳамиша сен муаззам, ҳамиша сен муаззам.
Афсус-надомат шуки, кейинча бўлиб қолди
Эътиқод сенга кам-кам, эътибор сенга кам-кам...
Тинглагин оҳимизни, кечир гуноҳимизни,
Ахир ўзингсан олам соҳиби чин муқаррам,
Ўзингга ёлворурман, ҳаёлимда борурман,
Саҳар киприқларим нам, оқшом киприқларим нам.
Елкам узра оғир юк ҳис қилурман ҳар сония,
Тафаккур нурин бериб, дема: бўлма қўп там-там.
Жумлаи жаҳон сенинг, танамизда жон сенинг,
Мавжудки имкон сенинг, ҳамиша айла қарам,
Фариднинг илтижоси, доимо дилга жоси —
Шоҳи муаззам Эгам, хуршиди аъзам Эгам.



* * *

Дарахтлар яратганнинг кўшиғи деб шамолни,
Куйлаб қолурлар гоҳо, куйлаб қолурлар гоҳо.
Улар кундуз, кечкурун ва баъзан сахар палла
Аллох таоло учун изҳор қилур муддао.
Жамики жонли, жонсиз ҳаммасида шу хол бор,
Бу ҳолат ёруғ олам ичра оддий бир ибрат.
Ҳиссу идрокинг ила кўзни юмуб бир лаҳза,
Тафаккур айлай олсанг аён бўлар у фақат.
Кўз очганда назар сол, япроқ ибрат саҳфаси,
Ўқиб тур ундан доим Эгамнинг каломини.
Тонг чоғи шамол боис, Фарид, такрор айладим,
Бисмиллохир раҳмонир раҳим деб унинг номин.
Дарахтлар яратганнинг кўшиғи деб шамолни,
Куйлаб турарлар доим, куйлаб турарлар доим.
Мен муносиб бўлмасам ярашарми, билмадим,
Демакки, дарахтларнинг тилидадир худойим.



КАТТА ЮРТ ФАРЗАНДИМИЗ

Сен мени севгин меҳр бирла, нигор —
Яшамок яхши сеҳр бирла, нигор.
Умримиз кечсун мудом хуш лаҳзада,
Ошно бўлма қаҳр бирла, нигор.
Сенки борсан, давлатим бордир менинг,
Не шим бўлсин даҳр бирла, нигор,
Яхшидур қишлоқини кезсак гоҳи-гоҳ,
Ошно бўлсак шаҳр бирла, нигор.
Катта юрт фарзандимиз, фаҳр айласак
Арзигай Мовароуннаҳр бирла, нигор,
Сен каби гулчеҳрани шоирлари
Васф этиб ўтган фаҳр бирла нигор,
Бир умрга куйламок аҳдим, Фарид,
Чунки суйганман меҳр бирла, нигор.



МУҲАББАТ МАЙИ

Дилимда доимо лим-лим муҳаббат деб аталган май,
Сени ичдим, сени ичгум, муҳаббат деб аталган май,
Нечун мен бахраманд этмай нигоримни ўзингдан гоҳ,
Сени энг тоза деб тутгум, муҳаббат деб аталган май.
Сени ичгач кетиб ўздан, қилиб гоҳида бир шўхлик
Ўзал ёрни ўпиб, кучгум, муҳаббат деб аталган май.
Кулар у гоҳида менадан, «кетибсиз ўзингиздан» деб,
Агар хоҳлар яна кетгум, муҳаббат деб аталган май.
Уни ранжитмайин асло, сўраб ундан ижозатлар,
Жаҳон шўхликларин этгум, муҳаббат деб аталган
май.

Агар у бўлса шод чиндан, агар у қувнаса, қулса,
Демак, мақсадима етгум, муҳаббат деб аталган май.
Кечолмасман, Фарид, ёримни севмоқдан
кечолмасман,
Нечунки дилда сен лим-лим, муҳаббат деб аталган
май.



УЙҚУСИЗЛИК

Мен каби шодлан, нигор — тун биз билан,
Биз каби шодликка зор тун биз билан.
Осиё бағрида окшом ўзгача,
Яйрагин кўзи хумор, тун биз билан.
Ташла, ёз, бағрига сингиб кетайин,
Сочингга бўлсин тумор, тун биз билан.
Беқарор эрдим етолмай васлингга,
Ҳар қалай топдим қарор, тун биз билан.
Ою юлдузга фалакда уйқу йўқ,
Уйқусизлик бизда бор — тун биз билан.
Сирлашайлик тингласин тун, тингласин,
Биз каби шодликка зор тун биз билан.
Орзиқиб кутган Фарид етди, мана,
Кел, фақат шодлан, нигор, тун биз билан.



* * *

Ҳақиқатни топай деб сўзларга кулок тутдим,
Мазмуни, маъносидан бўлмади аён, ажаб,
Ҳақиқат сўзларда деб, ҳақиқат сўзларда деб,
Кимдир бир маҳал менга қилганди баён, ажаб.
Ҳақиқат қайси сўзда тушунолмайд қолдим мен,
Рост сўзлардами айтинг ва ёки ёлғонларда,
Жавоб эса йўқ хануз, жавоб эса йўқ хануз,
Ахтардим фикран уни ноаён, аёнлардан.
Ҳақиқат сўзларда деб айтган сўзда экан рост,
Кимдир айтган бўлса-да шу маъно аён менга,
Ойдек равшан бўлди у, кундек равшан бўлди у,
Тушуниб етдим энди, етар шу баён менга.



СИЗ БИЛАН

Сиз билан ўтса кеча, туйғуларим таскин топар,
Хисларим жўшкинлашар, орзуларим таскин топар,
Сиз билан ўтган кечадан мен ахир қандай кечай,
Тушларим ёрқинлашиб, уйқуларим таскин топар.
Сиз менинг ойим ҳар окшом, юлдузимсиз порлаган,
Сиз билан бу дилдаги ёёдуларим таскин топар.
Сиз умр дарёсида тапхо тишиқ инжу десам,
Дил деган уммондаги инжуларим таскин топар.
Сиз қачон бағримдасиз – жонимдасиз, жисмимдасиз,
Ғам йироқ кетгай шў дам, кайғуларим таскин топар.
Ёд этинг шайдо Фарид бирла ўтар дамларни гоҳ,
Ғойибона бўлса-да орзуларим таскин топар.



ХАЁЛЛАРИНГ

Ширин тушимга ўхшар висолларинг,
Хаёлимдан нари кетмай жамолларинг.
Кечалари йўқсан, лекин ёдимдасан,
Жилва қилиб қундуз қоши хилолларинг.
Бўсаларнинг сони саноқлари йўқдир
Ташна қилар жонни оби зилолларинг.
Юрагимни ўртаб турар хануз, хануз,
– Севасизми, – дея берган саволларинг.
Мунча ширин, мунча тотли бўлмасанг, жон,
Борму яна бундан бошқа, айт, болларинг?..
Гарчи баъзан ёнгинамда бўлмасанг ҳам,
Келиб турса дейман хушбўй шамолларинг.
Ширин тушдай қилиб қўйма висолингни,
Фариджонни ўлдирди хаёлларинг.



* * *

Жамолингни кўрай деб кундуз офтоб, тунда ой
пайдо,
Жамолингга демак, бир мен эмас, ҳатто улар шайдо.
Мухаббатнинг бу савдоси менинг бошимдамас,
билсам,
Ажойибки, тамоми коинот бошида шу савдо,
Мисол дарё бўйига чиқсангу сочингни гар ёзсанг,
Сочинг тўлкинларидан жилвалар олғусидир дарё.
Шамоллар-чи, шамоллар бир муаттар хид олайн
деб,
Қилурлар вақти-вақти бирла гоҳ ўз-ўзича ғавғо.
Сира рашк айламам, билгил, ҳасад асло қилиб
юрмам,
Мен ошиқдек бутун борлиқ муборак ишқингга ошно.
Умидим шулки, эй жонон, жамолинг кўрсатиб
тургил,
Бу танҳо коинот ичра Фаридиддинга сен танҳо.

* * *

Дейман: бўлсин экан ҳар кимнинг боғи,
Қиш келса, қор ёғса назар солмоққа,
Қорлар инган новдаларга термулиб,
Хузур топиб бир лаҳза завқ олмоққа.





ҲУЗУРЛАНИШ

Новдаларга инган оппок қорларнинг
Беғуборлик чиройидан лол кўнгил.
Ўзим эккан кўчатларга термулиб
Дейман: Ундан хузурлан, завқ ол, кўнгил.
Негаки чин хузурланиш, завқланиш,
Тирикликка энг хуш таскин, тасалли.
Новдаларнинг қорлар инган чиройи
Деб тургандай гўё мен учун «Балли»!

ДЕМАЙДИ

Мени девонани ул ёр демайдур,
Нетай, девонавашим бор демайдур.
Бу хол жонимга озор, жонга озор,
Ва ёр бўлса ҳеч озор демайдур.
Қилур оламни тор бепарволиги,
Жаҳон, бил, менга ҳамдир тор демайдур.
Унга девоналиғдан этмагум ор,
Жаҳонда қолмадику ор демайдур.
Сенингдек ошику зор қанча ўтган,
Бу ишқ-ошиқлигинг такрор демайдур.
Фаридиддин ёнар афсус ўтинда –
Нетай, девонавашим бор демайдур.



БУ САВДОЛАР

Бу савдолар сенинг савдоларингдир,
Боша тушган ажаб навдоларингдир.
Сени дўст деб ўзимни алдадимми,
Биза бегоналар ошноларингдир.
Бу серғавго жахон сахнида, эй дўст,
Бу ҳол изхоридир ғавғоларингдир.
Бу дунё ичра берган изтиробинг,
Бу дунёдаги бир дунёларингдир.
Бу савдоларни шарҳин қилмам эмди —
Биза бегоналар ошноларингдир...
Жахон гумрохларига ошино ким
Фарид айтар: ки ул бежоларингдир.



РОСТҒҮЙ ҚАЛБ

Тилар у — нимталар тинмай,
Ҳақиқатнинг қуроли у.
Ёмонларга кирон бергай —
Ёмонларнинг заволи у.
Қочарлар тумтарақайлаб,
Фирибгарлар малоли у.
Ҳақиқат осмонининг
Мунаввар чин хилоли у.
Бўронларга бардошли,
Умидвор дил ниҳоли у,
Уни кўпларки сезмас, лек
Одамзоднинг камоли у.
Йўқотган чоғи изланган,
Фариджоннинг хаёли у...
Тилар у — қийма-қиймалаб,
Ҳақиқатнинг қуроли у.



* * *

Биров ўтган кунин хаёт деб айтар,
Биров эса келгусини айтади,
Ўйланг ахир, келадиган келару,
Ўтган кунлар қачон ўзи қайтади?!
Ўтганга ҳам, келганга ҳам қайғурмоқ,
Билолмадим, қандай ақл ишидир,
Иккисини бир-бирига боғлаган,
Бу дунёда энг донишманд кишидир.
Шўрим курсин дейман шуни фикр этиб,
Ачинолмай на ўтганга, келганга.
Баъзи бир хил, келгусини ўйламай,
Ўтган кунин чин хаётим деганга...



ТЕНТАКЛАРНИНГ ОЗИФИ

Тентакларнинг озиғидан оқиллар ҳам баҳраманд,
Бўлсин дея эгаллаган бул мартабам сал баланд.
Шамолларга сертавозе дарахт бир кун ўтиндир,
Синмай десанг беҳудага бўлаверма сен каманд.
Истеъмолнинг меъёри бор дейишади донолар,
Аъзо учун шифо бўлар оз ейилса агар қанд.
Хушомадгўй бўлмок азал тентакларнинг озиғи,
Нежабки, мутедирсиз, оқилдирсиз Сиз гарчанд.
Дунёники тушунмадинг, ўз-ўзингни билмадинг,
Фарид, хаёлингни нелар қилиб олган ахир банд...





РАҚС ЭТАСИЗ

Рақс этасиз сиз тоза —
қоматларингиз бор,
омадларингиз бор.
Мафтун этажак бу хил
аломатларингиз бор,
саодатларингиз бор.
Борлигига энди нечун
шубха қилай мен,
толени тилай мен,
Ҳа, етук оламда
камолотларингиз бор,
одатларингиз бор.
Бир сўзда сизи таъриф этай
энди, гўзал киз,
раксада етук сиз,
Ким қилса томошаки
фароғатларингиз бор, —
роҳатларингиз бор.
Тўғриси айтсак агар,
нозга фидомиз —
созга фидомиз,
Жилваю юз бирла
ишоратларингиз бор,
иморатларингиз бор.



ЙЎЛЧИ ИЗТИРОБИ

Куннинг кизигида ўй сурар Йўлчи,
Хаёллари унинг хаётдай оғир.
Ақли бовар қилмас, лол турар Йўлчи,
Дер: Нима воқеа юз берди хозир?

Дехқон қовунини сотмади пулга,
Кўра-била туриб сувга оқизди,
Пул хаводай зарур эди-ку унга,
Икки қўллаб ўзи текин тутқазди.

Оқибатини кўринг, нақадар дағал,
Хар ерда меҳнаткаш турмуши оғир,
Баққол чол ён берса бўлар эди сал,
У пулга сотмади... таланди хозир.

Куннинг кизигида ўй сурар Йўлчи,
Араваси синган дехқонни эслаб.
Фикри бовар қилмас, лол турар Йўлчи,
Дер: Бу ажаб дунё экан-а... Ажаб...

Дехқоннинг ишлари шу зайл чаток,
Аравани тонса, тополмас улов.
Оғзи ёлчиб ошга тегмайди хар чок,
Фойдани ўмариб кетади биров.

Ана у, ноинсоф тулкини қаранг!
Меҳнаткашни куппа-кундуз шилди-я?!





Вой, хотини талок... юзсиз, эй... аттанг!
Олғир қароқчининг ишин қилди-я...

Бечора оила олдига энди,
Борарму шу меҳнат мукофоти деб.
Беш ой ишлаб ҳосил олишган эди,
Қайноқ сув ичишиб, қаттиқ нонни еб.

Хотинга-ку у тушунтиради,
Лекин болаларга не дея олур?
Ҳозир тирранчалар барин билади,
Қасод экан дерму, бозори қурғур...

Қовунлар юкланган машиналарни
«ДАН»чилар бир четга тортиб қўйсалар,
Қанча замон ўтиб кетган бўлса-да,
Йўлчи хотирамга келар хар сафар.

Куннинг қизиғида туриб гўё у,
Юракдан сезаман, хўрсинар оғир.
Қалбида ачиниш деган бир туйғу,
Дер: Нима воқеа бўлди-я ҳозир!..



* * *

Хусн девонида лабинг оятим,
Очилур чехранг била кайфиятим.

Лабмидур у ёки шеър икки сатр —
Бор у оятни ўқишга рағбатим.

Лаб деб айтилган буюк у байтни
Битдилар, чексиз менинг ҳам раҳматим.

Чехрада кўрдим ёруғ чехрангни чин,
Кудратим, ёлғиз ўзингсан кудратим.

Шеър эмас, тасвир ўзинг, таҳсин ўзинг,
Сен билан нурли, Фарид, кайфиятим.





ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА МУҲАММАС

* * *

Гул надур, маълум қилур ҳар битга гулининг шонаси —
Тарбият қилмиш мукамал меҳрибонни онаси,
Тоза тиллодан демак, ул уйиннинг остонаси,
Қайси уйиннинг шаъмидур у, қайси жойда хонаси,
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жанонаси?

* * *


Қадди-бастин кўрсатиб бир он хиромон айлади,
Кўнглим олгандек бўлиб кўксимни осмон айлади,
Чехрасининг жилваси чехрам чароғон айлади,
Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси?

* * *

Ул мени хижрон аталмиш ўлкаларга элтмасин,
Жон эса ҳеч бевафоллик кўчасидан ўтмасун,
Истагим, жонон тутар паймонага дарз етмасун,
Лабларининг бодаси харгиз лабимдан кетмасун,
Кимга сўз бермиш вафодан, май тўла наймонаси?

* * *

Ўлтирурмиз йўлларида кўзни узмай мунгайиб,
Мисли бир девонадурмиз хор-зормиз кўп ғариб,
Энди унга на рақибмиз, энди унга на ҳабиб,
Ул саодат шаъмининг базми эрур кимга насиб,
Сиз, худо ҳаққи, сўранг, кимдир унинг парвонаси?





* * *

Ким унинг нодонлари, кимлари доно билмадим,
Ушбу хил сирли сеҳр сирини асло билмадим,
То насиб бўлди менга ушбу муаммо билмадим,
Хар киши афсун билан тортмоқчи, аммо билмадим,
Тортадир нозик дилин кимнинг қизик афсонаси?

* * *


Жисмсиз жисмга ҳадя, садқадур жонига жон,
Ха, яралгандан бери, ёлғон эмас, рост, ҳеч қачон,
Кўрмагандир бундайин суксурни ёруғ бу жаҳон,
Ёраб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олий нишон,
Қайси қоннинг гавҳари, қимнинг эрур дурдонаси?

* * *

Пўш қилмоқ оятини англадим буткул савоб,
Оташин майки етилтирганму билмам, офтоб,
Бир ажиб ўтли шаробдир, бир ажиб ўтли шароб,
Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур хамкоса, хаммайхонаси?

* * *

Борлик бўлса шу дам гўёки айларди прим,
Кўкда юлдузлар эди жим, кўкдаги ой эрди жим,
Кеча ёлғиз эрдию, мен ҳам Фарид ёлғиз эдим,
«Оҳким, Хофиз дили девонадур сениз», – дедим,
Шўх табассум бирла: «Бу кимнинг — деди, —
девонаси?»





* * *

Куйламаклик фурсати булбулга уч ойдир, холос,
Шул уч ойда ўртанодир ёлғиз ул булбул хос.

Шул уч ойда ул ўзининг борлигини хис этар,
Алдамас булбулни уч ой завқ-шавқли эхтирос.

Эй чаман, моҳиятингга минг тасаннолар сенинг,
Шул уч ойда топди булбул моҳиятли чин қиёс.

Негаки, уч ойгина гул ғунчаларнинг бағри қон,
Бағри қон гул ғунчали гулзорда гуллардир чарос.

Доимо қалбда сеҳрли бир жаҳон хайрат Фарид —
Куйламаклик фурсати булбулга уч ойдир, холос.



ЮРАК ЧИЗГИЛАРИ

Сайфиддин ТУРСУНОВГА

Юрак хаприқди, ха, юрак ўйнади,
Докторга охиста бориб учрадим.
У ҳеч эринмасдан кўксимни тинглаб,
Кардиограмма деди, узок туриб жим.
Қандайдир бир шнур уланди токка,
Аппарат ҳам хатни ёза бошлади.
Совук сўричада чўзилиб ётиб,
Мен темир жисмга назар ташладим.
У эса қулоғин тутиб кўксимга,
Юрагим зарбини тинглади аста.
Узун эгри-бугри чизик, сўз билан,
Ҳамдардлик билдириб деди: Сен хаста.
Эй, инсон ақлининг жўн ҳосиласи,
Эй, темир қутича — оддий кашфиёт.
Чуқур нафас олиб лол қолаётирман,
Юракни «таржима» қиляпсан наҳот.
Қалб сўзимни гўё ёздинг қоғозга,
Ненидир ўзингча килдинг сен баён.
Юрак огриғини чиздинг беҳато,
Лекин дил гапларим қолди ноаён.
Сендан қандай хафа бўлай, сен жисм,
Ахир сен хаяжон-туйғудан йироқ.
Сенинг ҳақлигингга шубҳам йўқ менинг,
Қалбим чизгилари бу эмас, бироқ.



Бу чизги сен билмас ўтли хаяжон,
Бу чизги — сен билмас шодлик ва қайғу.
Минг эътибор қилгин, минг диққат қилгин,
Сенинг «забонишга» ағдарилмас у.
У луғатларга ҳеч ёзилмаган сўз,
Имлоларга у қўшилмаган харф.
Ҳақ-у ноҳақликлар орасидаги
Изтироб аталган оддийгина зарб.
Бағримда асралган ушбу «достон»нинг,
Бирор саҳфасига тушса нигоҳинг.
Билгил, кўчирмакка сўзларинг етмас,
Билгил, кўчирмакка етмас сиёҳинг.
Майли қулоғингни кўксимга тутгил,
Юрагим зарбини тинглагил аста.
Аммо миллион йиллик масофа қолгай,
Темир қулоғинг-у, қалб орасида.
Бас, шундай экан бу қоинот аро,
Ҳаёт деган тушунча то экан омон.
Ҳеч шубҳам йўқ менинг, бўлиб қолади —
Юракнинг чизгисн юракка аён.



ОТЧОПАР АДирЛАРИ МАНЗАРАСИ

Нонлар оз кунлар ёдда,
Донлар оз кунлар ёдда.
Хотирдан кўтарилмас,
Отчопар буёдойзори.


У камчил кунлар бобом,
Сахар бориб, кайтиб шом,
Отчопардан келаркан
Буёдой экиб бахори.

Узокмас, лек Отчопар,
Йўли экан серхатар,
Очликми, йўл тўсаркан
Уч-тўрт ахмок безори.

Бир кун улар:
– Тўхта, – деб,
– Ниманг бор, бер, – деб,
Ха деб,
Ишлаб ҳорган бобомни,
Қилишибди хумори.

Бобом эди сержахл,
Яна полвон-чорпахил.
– Хўш, нима дейсан, – дебди,
Келиб йигитлик ори.

Бирнга нос тупуриб,
Бирин ағдариб уриб,



Дебди: Учқурғондаги
Каттанга айтгин бориб.

Кабариб оёқлари,
Солиниб қовоқлари,
Бобом баъзан асабий,
Қайтаркан шундай хориб.

Ушанда нон бўлибди,
Нон эмас, жон бўлибди.
Буғдойлар пишгунича
Сал кам бир қоғ жўхори.

У камчил кунлар бобом,
Сахар бориб, қайтиб шом.
Саккиз жонни асрабди,
Буғдой экиб бахори...

Нонлар оз кунлар ёдда,
Донлар оз кунлар ёдда,
Хотирдан кўтарилмас,
Отчопар буғдойзори.





ҚУТАЙБАНИНГ ҰЛИМИ

Қутайба кетмоқ истаиди узок юртларга мардона...
Яшар навкарлари ерли халойиқ бирла дўстона.

Қутайба кетмоқ истар, остида тулпор, килич қўлда,
Ва лек навкарлари ҳеч истамас хатлашга остона.

Қутайба ваъда айлар яхши жанг ва яхши хўб ўлжа,
Толиққан жангчиларга ушбу ўйлар эрди бегона.

Қутайба амр этар: Сиз содиқ аскар, сизга жанг даркор,
Қани, тез отланингиз, бош эгингиз эмди фармона.

Яшашга ерли халқ бирлан кўниккан у дағал зотлар,
Назар ташлайди атрофга — назардан жони ўртонга.

Кўрарлар — бу заминнинг жаннатона тоза жойи шу,
Пичирлаб дейдилар: Жангинг бошингдан қолсин
ордона.

Сен эй Парвардигор, бизни жудо этма бу маскандан,
Чўзарлар қўлларин юз илтижолар бирла осмона.

Қутайба тўхтамасдан ундабон жангу жадалларга,
Амал айлайди бошлиқлар сўзига — сўзи фармона

Имонли, эътиқодли кимсага оила ҳам фарзанд,
Қорачиғдир кўзида, энди не даркордир инсона.





Унинг қаршисида хўп хориган бечора навкарлар,
Омон қолганига айтардилар минг марта шукрона.

Кезиш от узра сарсон, қон тўкиш беҳуда-беҳуда,
Бутун озорлардан ҳам озор эрди-да жона.

Деди бирдан улар: Бизлар кетолмасмиз бу манзилдан,
Биз эмди айланиб бўлдик хунарманд ҳамда дехқона.

Чиқиб сарқарданинг жахли қўли шамширға борди тез...
Қутайба жисмини навкар қиличи ювди лек қона...


Ва сўнг навкар боқиб қонли қиличга сўзини айтди,
– Ёруғ оламда юрт жондан азиз, энг яхши жанона...

Қутайба кетмоқ истарди узоқ юртларга мардона!..



Мундарижа

Тапхо Андижон	3
Биринчи сабоқ	5
«Қурбим етармикан...»	6
«Юзларга каранг...»	6
Жоним	7
Курсилар «жанги»	8
«Баҳор қайтиб келса...»	9
Туйшук	10
Хархолда	11
Кимдан кутай?!	12
«Эй одам...»	13
«Таъма ахлининг...»	14
«Телбаликлар...»	15
«Биров пулга...»	16
Неъмат	17
Ота дуоси	18
Англаш	19
Удфатчилик	20
Хайрат	21
Раққоса	23
Билиб қўй	24
Баҳор	25
Дўстларим	26
Қуш	27
Лолалар	28
Сен бугун узган бу янрок	29
Йўқ экан	30
Туғаноклар	31
Хар вужуд	32





Хиёнатнинг юзи	33
Йўлбарслар	34
Куйчилар	35
Ўзбек эна	36
Катта тут	40
Изтироб	42
Тегирмон хақида	43
Бизлар	46
Кўнглим	46
Куйган хақиқат	47
«Кўнглим гўшасида...»	48
Икковлон	49
Итлар	50
Мухлис	51
Чойнак хақида	52
Бобо	53
«Дўстим...»	54
«Хайр демак...»	54
Шам	55
Ойдин кеча	56
Шоирнинг ишхонаси	57
Сухбат	59
Икки гурух — тўрт киши	62
Шеърга мавзу	63
Бедил	66
Учрашув тугагач	68
Мамнун эмас	71
Хукмронлик маъноси	72
Хилола	73
Сизнинг шеърингиз	74
«Ит қаршимдан...»	75
Ихтиёр	76
«Ўйинчи»	77
Атлас	78



Маҳаллалар	79
«Меҳрибон ҳам...»	80
«Мен ёнмасам...»	81
«Бу олам ишига...»	82
Бўёқлар	84
«Ҳикмат...»	87
Кел	87
Йўлдаги табассум	88
«Бола кулади...»	89
Ҳаёт шами	90
Жаҳон айвони	91
«Яна ёдингда...»	92
«Бизни севганлар...»	93
Олтин қуш	94
«Вақтичоғлик...»	95
«Жисм аро...»	96
«Умримизни...»	97
Баҳор бўсалари	98
Аҳмоқлик — тубсиз...	99
Жонона, ширин жонсан...	100
«Тунлари...»	101
«Аллоҳ насиб этди...»	102
«Аtringиз айлайди...»	103
Оппок булутларни кўрдим...	104
Шу атрофда	105
Ҳамкорлик изтироби	106
Базилолар	108
Узук	109
Сафар	110
«Кўчангдан неча бор...»	111
«Ғофирнинг сўзлари...»	112
«Боғлар намриқди...»	112
Қорақурт қиссаси	113
Етти ранг васфи	115



Отчопар	116
Ахлоқ корхонаси	118
Тўртликлар	120
Тошкент окшоми	121
Боғ сувлари	123
Не бўлди?	124
«Сочларингни сийпалай...»	125
«Мен агар...»	126
Машпота	128
Юртимиз дарахтлари	129
«Рахламо, кайдасиз...»	130
Макол	131
Ёлғиз қушлар	132
Икки қахрамон	134
Титрок	134
Инсон юзи	135
Янги бой	136
Боғча	137
«Вактинчоғлик деган...»	138
Бўри ўяси	139
«Бизни тун бирлаштирудур...»	140
Япроқсиз дарахтлар	141
Қишлоқ	142
Негаман	143
Гулзор	144
Ғаройиблик	145
Дарёга	146
Қизил гуллар	147
Илтижо	148
Ҳамон	149
«Куюнчак дўстларим...»	150
«Севарман...»	151
«Одамзод...»	152
«Қарахт...»	152



Сенга нима?	153
Ассалому алайкум	154
Оқ, пушти гуллар	155
Яхши кунлар	156
Мубталолар	157
Кўнгил кўзи	158
Майсалар	159
Эгам	160
«Дарахтлар...»	161
Катта юрт фарзандимиз	162
Муҳаббат майи	163
Уйқусизлик	164
«Ҳақиқатни тонай деб...»	165
«Сиз билан...»	166
Хаёлларинг	167
«Жамолнинг кўрайи деб...»	168
«Дейман...»	168
Хузурланиш	169
Демайди	169
Бу савдолар	170
Ростгўй қалб	171
«Биров ўтган...»	172
Тентакларнинг озиғи	173
Рақс этасиз	174
Йўлчи изтироби	175
«Ҳусн девонида...»	177
Ҳофиз Шерозий газалларига мухаммас	178
«Куйламаклик фурсати...»	180
Юрак чизгилари	181
Отчопар адирлари маъзараси	183
Кутайбанинг ўлими	185

Фарид Усмон
ҲУСИ ДЕВОНИ

Шеърлар, газаллар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Рассом Баҳром Калонов

Мухаррир *Э. Мирзаҳакимова*
Бадий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаххилар: *Ж. Тоирова, Н. Ҳуронова*
Саҳифаловчи *А. Шафиуллина*

Босишга рухсат этилди: 13.11.06. Бичими 70x100¹/₃₂. «Петербург» гарнигураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 7,74. Нашриёт-хисоб тобоғи 7,0. Адади 3000 нусха. Буюртма № 3013. Бахоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**